

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

35-сон
(847)
2018 йил
30 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

703. ««Наманган» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 августдаги ПФ–5517-сон Фармони
704. «Идоралараро коллегиял органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПФ–5527-сон Фармони
705. «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПФ–5528-сон Фармони
706. «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПҚ–3920-сон қарори
707. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси

Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалик техникаси билан жиҳозлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 10 майдаги ПҚ–3712-сонли қарори)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПҚ–3922-сон қарори

708. «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 августдаги ПҚ–3924-сон қарори

Учинчи бўлим

710. «Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги 702-сон қарори

Бешинчи бўлим

711. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 29 июлдаги 204-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-3*)
712. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 29 июлдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-3*)
713. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 24 августдаги 58, 50-ққ, 7-сон «Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3059*)
714. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 25 июлдаги 199-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги

буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3060*)

715. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 5 июлдаги 176-мх, 28-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3061*)
717. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-хунар таълими марказининг 2018 йил 29 июлдаги 6-мх, 15-2018, 8/ққ-сон «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1812-1*)
718. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 8 августдаги 47-сон «Руҳий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062*)
719. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 7 августдаги 230-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3063*)
720. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 27 августдаги 02/19-10/33-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга киритилган ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-4*)
721. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/5-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Респуб-

ликаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 25 августдан 30 августгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

703 «Наманган» эркин иқтисодий зонасини ташкил этиш тўғрисида*

Наманган вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятини комплекс ривожлантириш, минерал-хом ашё ва қишлоқ хўжалиги ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича юқори технологик ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришларни ташкил этишга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда шу асосда вилоятнинг, биринчи навбатда, Марказий Осиё мамлакатларининг чегарадош ҳудудлари билан экспорт салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш ҳамда ҳудуд аҳолиси фаровонлигини ошириш мақсадида:

1. Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Наманган вилояти Чуст туманида «Наманган» эркин иқтисодий зонасини (кейинги ўринларда — «Наманган» ЭИЗ деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар «Наманган» ЭИЗнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

ташқи бозорларда талаб этилаётган ва импорт ўрнини босувчи, юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил қилиш учун тўғридан-тўғри хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш;

Наманган вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятларидан комплекс ҳамда самарали фойдаланишни таъминлаш;

мева-сабзавот ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, сақлаш ва қадоклаш, тўқимачилик, пойабзал ва чарм-галантерея, озиқ-овқат, электротехника саноати, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш соҳасида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида мустақкам кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда эркин иқтисодий зоналар корхоналари ўртасида ва умуман республикада саноат кооперациясини ривожлантириш асосида юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 21 августда эълон қилинган.

«Наманган» ЭИЗ худудида ишлаб чиқариш, муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, шунингдек, ушбу худудда сифатли логистика хизматлари кўрсатиш бўйича замонавий инфратузилмани шакллантириш;

«Наманган» ЭИЗнинг соҳа кадрларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларидан келиб чиқиб, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг «Наманган» эркин иқтисодий зонада жойлашган худуддаги корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташида қатнашиш.

3. Белгилансинки:

«Наманган» ЭИЗнинг фаолият юритиш муддати 30 йилни ташкил этади ва ушбу муддат кейинчалик узайтирилиши мумкин;

«Наманган» ЭИЗ фаолият юритадиган муддат давомида унинг худудида алоҳида солиқ, божхона ва валюта тартиблари амал қилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармонининг 3, 4 ва 5-бандлари қоидалари «Наманган» ЭИЗ иштирокчиларига татбиқ этилсин.

5. Қуйидагилар:

«Наманган» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича Наманган вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ягона буюртмачи хизмати» ИК» ДУК — буюртмачи этиб;

«Наманган» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича бош пудратчи ташкилоти танлов асосида аниқланади;

Наманган вилоятининг маҳаллий бюджети маблағлари, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар «Наманган» ЭИЗнинг бош режасини ишлаб чиқиш учун молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

6. Наманган вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда «Наманган» ЭИЗнинг чегараларига аниқлик киритиш, уларни келгусида кенгайтириш бўйича таклифларни Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин;

икки ой муддатда «Наманган» ЭИЗнинг бош режаси ишлаб чиқилишини ва тасдиқлаш учун Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига белгиланган тартибда киритилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Наманган вилояти ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Наманган» ЭИЗ фаолиятини ташкил этишни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. «Наманган» эркин иқтисодий зонасининг транспорт, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини жадал ривожлантириш дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа муҳандислик-коммуникация хизматлари кўрсатувчилар «Наманган» ЭИЗ ҳудудига муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари етказиб берилишини тасдиқланган дастур доирасида таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Наманган вилояти ҳокимлиги Наманган вилояти маҳаллий бюджети ва «Наманган» ЭИЗ қатнашчилари томонидан молиялаштириладиган маблағлар ҳисобидан локал сув таъминоти иншоотлари қурилишини ва канализация сувлари тозаланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси:

икки ой муддатда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда Наманган вилоятининг мавжуд минерал-хом ашё ресурсларини инобатга олган ҳолда, импорт таркибини ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида «Наманган» ЭИЗ ҳудудига импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар, материаллар ва бутловчи буюмлар турларини ишлаб чиқариш корхоналарини жойлаштириш бўйича Дастурлар — «Йўл хариталари» ишлаб чиқилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда ҳар йили Ўзбекистон Республикасининг ривожланиш давлат дастурларини шакллантиришда белгиланган тартибда уларга «Наманган» ЭИЗнинг муҳандислик-коммуникация, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳалар киритилишини назарда тутсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси қўшни давлатлар билан ўзаро савдо ҳажмини ошириш мақсадида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Наманган вилояти Чуст туманида божхона постини ташкил этиш тўғрисида таклиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Наманган вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда «Наманган» ЭИЗ ҳудудини кенгайтириш мақсадида Чортоқ ва Тўрақўрғон туманларидаги ер участкаларини уларда

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

фойдаланилмаётган ва бўш турган давлат мулки объектларининг мавжудлигини, уларнинг sanoatга мослаштирилганлигини, муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминланганлигини жойига чиққан ҳолда ўргансин ва натижалар бўйича асосланган таклифларни, шунингдек аниқ инвестицион таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Наманган вилояти Эркин иқтисодий зоналар ва кичик sanoat зоналари маъмурий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда мазкур Фармоннинг ижроси ва амалга оширилган чора-тадбирларнинг самарадорлиги тўғрисида 2019 йил 10 январга қадар ахборот берсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов ва Наманган вилояти ҳокими Х.Х. Бозоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 август,
ПФ–5517-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**704 Идоралараро коллегиал органларни тубдан қисқартириш ва янада оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мақсадларини рўёбга чиқаришнинг муҳим шarti олиб борилаётган ислохотларнинг тўлиқ амалга оширилиши, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ривожланишга доир муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали ҳал этиш борасида давлат бошқаруви тизимининг аниқ фаолият юритишини талаб этади.

Бошқарувга оид қарорлар самарадорлигини ошириш ҳамда тармоқлараро, идоралараро ва ҳудудлараро мувофиқлаштиришни талаб этувчи масалаларни кўриб чиқиш ва таклифлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ҳокимияти органлари томонидан ташкил этиладиган идоралараро коллегиал органлар (комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳлар ва бошқалар) мазкур йўналишда алоҳида ўрин тутади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси давлат-ҳокимият ваколатлари берилган, давлат аппаратининг зарур даражада фаолият юритишига тўсқинлик қилувчи идоралараро коллегиал органларни тубдан қисқартиришни назарда тутади.

Идоралараро коллегиал органларнинг вазифалари, функциялари ва ваколатлари таҳлили уларнинг мамлакатда олиб борилаётган ислохотларда самарали иштирок этишига салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор омиллар мавжудлигини кўрсатди. Жумладан:

биринчидан, идоралараро коллегиал органларни тузиш ва тугатишнинг аниқ мезонлари ҳамда тартиб-таомилларининг белгиланмаганлиги мазкур органлар сонининг кескин кўпайиши ва оқибатда маъмурий аппаратнинг, бюджет юкининг ортиши ва давлат бошқарувини бюрократлаштиришга олиб келди;

иккинчидан, давлат-ҳокимият ваколатларининг идоралараро коллегиал органларга асоссиз ўтказилиши уларнинг амалда мустақил давлат ҳокимияти органи мақомига эга бўлишига, давлат органлари ва ташкилотларидан устун турувчи ваколат ва уларнинг фаолиятига маъмурий аралашини имконини берди;

учинчидан, идоралараро коллегиал органлар фаолиятидаги такрорлаш ва параллелизм давлат органлари вазифа ва функцияларининг ўрнини эгаллашга, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришишда жавобгарликнинг сусайишига олиб келмоқда;

тўртинчидан, идоралараро коллегиал органлар мақомининг ноаниқлиги

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 августда эълон қилинган.

амалда уларнинг қарорлари устидан маъмурий тартибда шикоят қилиш имконини йўққа чиқармоқда;

бешинчидан, амалий аҳамиятга эга бўлмаган идоралараро коллегиял органларнинг мавжудлиги, шунингдек, уларнинг таркибига коллегиял орган фаолиятига алоқаси бўлмаган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар мансабдор шахсларининг киритилиши уларга ортикча маъмурий юклама бўлиб, асосий вазифаларни бажаришдан чалғитмоқда;

олтинчидан, амалда идоралараро коллегиял органларнинг кўпчилиги юкланган вазифаларнинг ўз долзарблигини йўқотганлиги ёки тўлиқ бажарилганлиги туфайли узоқ вақт давомида фаолият юритмаяпти.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ, шунингдек, давлат-ҳокимият ваколатларини қайта тақсимлаш ҳамда вазирлик ва идораларнинг мустақил юритувига бериш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

идоралараро коллегиял органлар ёрдамчи хусусиятга эга маслаҳатлашув орган бўлиб, ваколатли давлат органлари ва ташкилотларига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш борасида кўмаклашади, шунингдек, идоралараро ҳамкорликни таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотларининг идоралараро ҳамкорлиги мустақиллик, ўзига бўйсунувчи соҳада самарали фаолият юритиш ва вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлиги таъминлашга асосланади;

республика ва ҳудудлараро идоралараро коллегиял органлар қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан, ҳудудлардаги идоралараро коллегиял органлар эса маҳаллий ижро ҳокимияти органлари қарорлари билан тузилади;

идоралараро коллегиял органларни тузиш ҳақидаги қарорлар асосланган бўлиши, уларнинг таркиби эса барча аъзоларнинг самарали иштирокини таъминлайдиган даражада шакллантирилиши лозим;

идоралараро коллегиял органлар раҳбарлари мазкур органлар фаолиятини ташкил этиш, юклатилган вазифалар ва функцияларни сифатли бажариш, таркибни янгилаб бориш, шунингдек, юклатилган вазифалар ва функциялар тўлиқ бажарилган ёки самарасиз фаолият юритилган ҳолларда уларни тугатиш юзасидан ўз вақтида таклиф киритиш юзасидан шахсан жавобгардир.

2. 2018 йил 1 октябрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан тузилган айрим идоралараро коллегиял органлар 1-иловадаги* рўйхатга мувофиқ уларнинг ваколатлари тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларга ўтказилган ҳолда тугатилсин.

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари билан тузилган ва оптималлаштирилиши лозим бўлган идоралараро коллегиял органларнинг рўйхати 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Шундай тартиб белгилансинки, унга асосан қуйидагилар:

идоралараро коллегиял органларга давлат-хокимият ваколатларини бериш, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

амалий аҳамиятга эга бўлмаган, шунингдек, давлат бошқарувида, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида бюрократизм, сансалорлик ва бошқа маъмурий тўсиқларнинг юзага келишига сабаб бўладиган идоралараро коллегиял органларни ташкил этиш ва фаолият юритиши;

идоралараро коллегиял органларга давлат органлари вазифа ва функцияларининг ўрнини эгаллашга, қабул қилинаётган қарорлар ва аниқ натижаларга эришиш учун жавобгарликнинг сусайишига олиб келувчи тақрорловчи ва параллел функцияларни юклаш;

идоралараро коллегиял органлар ишига уларнинг фаолият соҳасига бевосита алоқаси бўлмаган давлат органлари ва ташкилотларини жалб этиш тақиқланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда:

а) мазкур Фармоннинг 1 ва 2-иловаларини амалга ошириш бўйича тегишли чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминласин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

тугатилаётган ва такомиллаштирилаётган идоралараро коллегиял органларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва ўрганишни ташкил этиш;

ўтказилган хатлов ва ўрганиш натижаларига кўра, тугатилаётган идоралараро коллегиял органларнинг мавжуд ваколатларини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотларга ўтказиш, шунингдек, оптималлаштириш назарда тутилган идоралараро коллегиял органларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва таркибини қайта кўриб чиқишни назарда тутувчи тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш;

давлат органлари ва ташкилотларида тугатилаётган идоралараро коллегиял органлар фаолиятини ташкил этишни таъминлаш учун киритилган штат бирликларини қайта кўриб чиқиш;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан жойлардаги идоралараро коллегиял органларнинг хатловдан ўтказилиши ва оптималлаштирилишини таъминласин;

в) Идоралараро коллегиял органлар тўғрисидаги низомни тасдиқласин. Бунда қуйидагилар назарда тутилсин:

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

идоралараро коллегиял органларни ташкил этиш ва тугатиш юзасидан ташаббус киритиш тартиби;

идоралараро коллегиял органларни ташкил этиш заруратини асословчи аниқ мезонлар;

идоралараро коллегиял органларнинг асосий вазифалари;

идоралараро коллегиял органлар фаолиятининг самарадорлиги учун жавобгарлик ва натижадорликка доир талаблар.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларига тугатилаётган идоралараро коллегиял органларнинг ўтказилаётган вазифалари, функциялари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари таркибига кирувчи давлат органлари ва ташкилотлари томонидан лозим даражада бажарилишини таъминлаш юзасидан жавобгарлик юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳар йили фаолият юритаётган идоралараро коллегиял органлар фаолияти самарадорлигини таҳлил қилсин ва баҳоласин ҳамда натижаси бўйича уларни келгусида қисқартириш ва оптималлаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

2018 йил 1 ноябрга қадар муддатда фаолият юритаётган идоралараро коллегиял органлар реестрини шакллантирсин, доимий янгилаб борсин ва очиқлигини таъминласин;

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 август,
ПФ-5527-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**705 Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 56-бандига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ–4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 август,
ПФ–5528-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 28 августдаги
ПФ–5528-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги
низомга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспортини расмийлаштириш, бериш, алмаштириш, ундан фойдаланиш тартибини, шунингдек, паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жавобгарликни белгилайди».

2. 7-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 августда эълон қилинган.

«Фуқаронинг доимий рўйхати мавжуд бўлмаган тақдирда паспорт олиш учун у олдинги рўйхатда турган жойи бўйича маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши мумкин.

Пропискага оид маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолларда фуқаро паспорт олиш учун ўзи турган жойидаги маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши мумкин».

3. 9-бандда:

қўйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Ҳарбий хизматчининг доимий рўйхати мавжуд бўлмаган тақдирда паспорт олиш учун у олдинги рўйхатда турган жойи ёки туғилган жойи ёхуд амалда яшаб турган жойи бўйича маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат қилиши мумкин»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

4. 10-банднинг иккинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Фуқаро паспортини йўқотиб қўйган тақдирда, унга янги паспорт мазкур Низомда белгиланган тартибда берилди».

5. II бўлимнинг номланиши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«II. Паспортни расмийлаштириш ва бериш тартиби».

6. 18-бандда:

биринчи хатбошидаги «доимий рўйхатда турадиган жойидаги» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

7. 20-банднинг бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилар тегишинча бешинчи ва олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

8. Қўйидаги мазмундаги 24¹-банд билан тўлдирилсин:

«24¹. Паспорт алмаштирилганда фуқарога ички ишлар органи томонидан янги паспорт унга илгариги паспортида мавжуд ва паспорт бериш вақтида амалда бўлган барча маълумотларни кўчирган ҳолда берилди.

Паспортда фуқаронинг никоҳдан ўтганлиги ҳақидаги белги ва бошқа маълумотлар мавжуд бўлмаганда ички ишлар органи томонидан фуқаронинг никоҳдан ўтганлиги ҳолати шахснинг доимий рўйхатда турган жойидаги ёки охириги яшаган жойидаги (агар манзилини ўзгартирган бўлса) ФХДЁ бўлимидан маълумотларни олиш йўли билан текширилади. Фуқаронинг никоҳи мавжудлиги тўғрисидаги ФХДЁ бўлимининг маълумоти паспортга никоҳдан ўтганлик ҳақидаги штампни қўйиш учун асос ҳисобланади».

9. 26 — 28-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Қўйидаги мазмундаги II¹ бўлим билан тўлдирилсин:

«II¹. Йўқотилган паспорт ўрнига паспорт бериш

35¹. Фуқаро паспортини эҳтиёт қилиб сақлаши шарт.

Паспортини йўқотиб қўйган фуқаро зудлик билан доимий рўйхатда турган жойидаги маълумотларни йиғиш пунктига хабар бериши лозим, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб-таомиллар ўтказилганидан кейин унга ушбу Низомда назарда тутилган тартибда янги паспорт берилади.

Вақтинча хорижда бўлган фуқаролар паспортини йўқотган, паспорти яроқсиз ҳолга келган ёки унинг амал қилиш муддати тугаган ҳолларда Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномасини олиш учун Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасига муурожаат этадилар, ушбу Низомнинг 20-бандида кўрсатилган шахслар бундан мустасно.

35². Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг паспортини ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатини йўқотганликлари ҳақидаги аризалари бўйича ички ишлар органлари томонидан тегишинча мазкур Низомнинг 1 ва 2-иловаларга мувофиқ белгиланган шаклдаги маълумотнома берилади, маълумотноманинг орқа томонига доимий ёки вақтинча рўйхатда турганлиги тўғрисида штамп қўйилиши мумкин. Маълумотнома ички ишлар органларининг мифация ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмаси томонидан берилади.

35³. Паспорт йўқолганлиги тўғрисидаги аризалар ҳисобга олиш журналида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда рўйхатга олинади.

35⁴. Республиканинг бошқа ҳудудларидан доимий яшаш жойига келган ва янги яшаш жойи бўйича рўйхатга олингунга қадар паспортини йўқотиб қўйган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига уларнинг аризаларига кўра ички ишлар органлари томонидан паспорт йўқолгани ҳақидаги иш очилади. Паспортлар фуқаро доимий яшаш мақсадида келган жойдаги ички ишлар органлари томонидан уларни рўйхатга қўйиш асослари мавжуд бўлган тақдирда берилади.

Янги яшаш жойи бўйича рўйхатга олишга асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда паспорт олиш тўғрисидаги ариза рад этилади. Бундай ҳолларда паспорт рўйхатдан чиқишни бекор қилган ҳолда фуқаронинг олдинги рўйхатдан ўтган жойидаги ёки рўйхатга қўйишга асослар мавжуд бўлганда бошқа янги рўйхатдан ўтиш жойидаги ички ишлар органи томонидан берилади.

35⁵. Агарда паспортлари йўқолгани ҳақида ариза берган фуқаролар паспортларини топиб олсалар, паспорт эгаларининг ёзма аризаларига асосан паспорт йўқолгани ҳақидаги иш юритиш тугатилади. Агарда йўқолган паспортлар янги паспорт берилганидан кейин топилган тақдирда, фуқаролар топилган паспортларни зудлик билан ички ишлар органларига топширишлари лозим.

35⁶. Топилган паспортларда олдинги яшаш жойидан рўйхатдан чиққанлиги ҳақида штамплар мавжуд бўлса, бундай паспортлар уларни берган ички ишлар органларига йўқ қилиниш учун юборилади.

35⁷. Паспортлар ўғирланган ҳолларда бу ҳақдаги аризалар жиноят содир этилган жойдаги ёки фуқаронинг яшаш жойидаги ҳудудий ички ишлар органларининг навбатчилик қисмлари ходимлари томонидан қабул қилина-

ди. Бундай аризалар қабул қилинганлиги ҳақида фуқароларга маълумотномалар берилади ва улар маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Жазони ижро этиш муассасасида жазони ўтаб чиққан ва табиий офатлар (ёнғин, сув тошқини, zilзила ва бошқалар) оқибатида паспортлари йўқолганлиги тўғрисида ариза билан мурожаат этган ва бу ҳолатларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни тақдим этган шахслар ҳам маъмурий жавобгарликка тортилмайди.

Фуқаро паспортини йўқотганда паспорт йўқолгани ҳақида ариза берилган кундан бошлаб бир ой ичида янги паспорт мазкур Низомда белгиланган тартибда берилади. Зарур ҳолларда, бу муддат ҳудудий ички ишлар органи раҳбарияти томонидан яна бир ойга узайтирилиши мумкин. Истисно тариқасида, бундай аризаларни кўриб чиқиш муддати (бошқа ички ишлар органларидан жавоблар келмаганда, аризачининг касаллиги, унинг яшаш жойида узоқ муддат бўлмаганлиги) олти ойгача узайтирилиши мумкин. Олти ойдан ортиқ муддатда жавоб келмаганида, фуқаронинг шахси текширилади ва ундан кейин паспорт берилади.

Ички ишлар органларининг муайян яшаш жойига эга бўлмаган шахсларни реабилитация қилиш марказларидан озод этилган ва паспортини йўқотган шахсларга мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шакл бўйича маълумотнома берилади. Бундай шахсларга паспорт бериш масалалари уларни сўнгги рўйхатдан ўтган жойидаги ички ишлар органлари томонидан, агар улар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлсалар, кўриб чиқилади.

35⁸. Хорижга доимий яшаш учун белгиланган тартибда чиққан, аммо Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида консуллик рўйхатида турмаган ва Ўзбекистон Республикасида бўлган пайтида паспортини йўқотиб қўйган фуқаролар сўнгги доимий рўйхатда турган жойларидаги маълумотларни йиғиш пунктига мурожаат этадилар.

Агар аризачининг турар жойи бўлган тақдирда, ички ишлар органлари уни вақтинча рўйхатдан ўтказди, турган жойи бўйича ҳисобга олади ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга унга паспорт расмийлаштиради.

Агар аризачини вақтинча рўйхатдан ўтказиш учун унинг турар жойи бўлмаган тақдирда, ички ишлар органлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда унга истисно тариқасида паспорт расмийлаштирадилар.

35⁹. Агар фуқаро келган давлатида Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасаси бўлмаса, у Ўзбекистон Республикасининг мазкур давлат консуллик округига кирадиган хориждаги консуллик муассасасига мурожаат қилади.

35¹⁰. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган шахс паспортини сўнгги яшаш жойидаги ички ишлар органига ёки турган жойи бўйича Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхонаси ёхуд консуллик муассасасига топшириши шарт»;

11. III-бўлим ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. 53-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«53. Хорижга хизмат сафарига, ўқиш, даволаниш, ишлаш ва оиласига қўшилиш мақсадида чиққан фуқаролар вақтинча консуллик рўйхатига олинади».

13. 57-банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«паспорт тизими қоидаларига риоя этилиши учун масъул бўлган шахслар томонидан фуқароларнинг паспортсиз ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларсиз яшашига йўл қўйганлиги, шунинг баробарида фуқароларнинг ўзлари эгаллаб турган турар жойларда паспортсиз ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларсиз, вақтинча ёки доимий рўйхатдан ўтмаган ёхуд турган жойи бўйича ҳисобга олинмаган шахсларнинг яшашига йўл қўйганлиги;

фуқароларнинг паспортларини ноқонуний олиб қўйиш ёки паспортларни гаров сифатида қабул қилиш».

14. Қўйидаги мазмундаги 1 ва 2-иловалар билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Худудий ички ишлар
органининг штампи

20__ й. «__» _____
_____ -сон

МАЪЛУМОТНОМА

Расм учун
жой

Фуқаро _____
(фамилия, исми, шарифи)

_____ (туғилган йили ва жойи)

_____ паспортининг йўқотилганлиги ҳақида мурожаат қилди.

Амал қилиш муддати «__» _____ 20__ й.

ТШИИБ М ва ФРБ бошлиғи _____


М.Ў.

Ўзбекистон Республикасида паспорт
тизими тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Худудий ички ишлар
органининг штампи

20__ й. «__» _____
_____ -сон

МАЪЛУМОТНОМА



Чет эл фуқароси (фуқаролиги бўлмаган шахс)

(кераксизи ўчирилсин)

(фамилия, исми, шарифи)

(туғилган йили ва жойи)

миллий паспортни, хизмат паспортини, шахсни тасдиқловчи
бошқа ҳужжатни йўқотилганлиги ҳақида мурожаат қилди.

(кераксизи ўчирилсин)

Юқоридаги шахс ҳақиқатдан _____ да
(миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимининг номи)

20__ й. «__» _____ дан 20__ й. «__» _____ гача
_____ -сон миллий паспорт (фуқаролиги йўқ
шахснинг гувоҳномаси) бўйича прописка қилинган эди.

Амал қилиш муддати «__» _____ 20__ й.

ТШИБ М ва ФРБ бошлиғи _____

М.Ў.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**706 Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш, миллий маданий ва маънавий меросни сақлаш ҳамда кўпайтириш, халқимизни миллий ва жаҳон маданиятининг энг яхши намуналари билан таништириш, моддий-техник базани яхшилаш ва халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада маданият ва санъатни янада ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжуд. Жумладан:

биринчидан, меценатлар ва хомийлар ёрдамини жалб қилишни рағбатлантирадиган самарали ҳуқуқий механизмларнинг йўқлиги республика маданият ва санъат муассасалари фаолиятини, энг аввало, муқобил манбалар ҳисобидан муносиб тарзда молиялаштиришни таъминлаш имконини бермаяпти, бу эса бюджет маблағларига ҳаддан ортик қарамликни келтириб чиқармоқда;

иккинчидан, ходимларнинг касбга тайёргарлик даражаси ҳамда маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифати замонавий талабларга ва халқаро стандартларга мос келмайди, бу эса уларнинг маҳаллий ташриф буюрувчилар ва туристлар учун жалб этувчанлигини пасайтирмоқда;

учинчидан, маҳаллий маданият ва санъат муассасаларининг жаҳон маданий маконига пухта интеграция қилинмаганлиги мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантиришда ва минтақанинг маданий маркази сифатидаги мақомини мустаҳкамлашда мавжуд бой маданий-тарихий меросдан ҳамда маданият ва санъатнинг замонавий йўналишларидан тўлиқ фойдаланиш имконини бермаяпти;

тўртинчидан, маданий мерос объектлари, республиканинг музей, архив, кутубхона ва бошқа жамғармалари бутлигини таъминлашга лозим даражада эътибор қаратилмаяпти, бу эса мамлакат маданий-тарихий меросини сақлаш ва оммалаштиришга комплекс ёндашиш имконини бермаяпти.

Маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришни таъминлаш, маданият ва санъат муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, аҳолининг уларга бўлган қизиқишини рағбатлантириш, мамлакатимизнинг жаҳон маданий маконига интеграциялашувини таъминлаш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 27 августда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Маданият вазирлиги ҳузуридаги Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб юритилади), Молия вазирлиги ва Инновацион ривожланиш вазирлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи Музейлар реновация дастурини (кейинги ўринларда — Реновация дастури) эксперимент тарзида амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

музейлар бюджетининг камида 30 фоизини тадбиркорлик фаолиятдан тушадиган маблағлар ҳисобидан, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида тадбиркорлик субъектларини жалб қилиш орқали, шунингдек, музейлар бюджетининг камида 15 фоизини хайрия маблағлари ҳисобидан молиялаштиришга босқичма-босқич ўтишни назарда тутувчи ўзини ўзи таъминлаш принципига асосланган музейларни молиялаштириш моделини жорий этиш;

музейлар инфратузилмасини халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштириш орқали кўрсатиладиган хизматларнинг интерактивлигини ошириш, шу жумладан, «smart»-технологияларни (ахборот дўкончалари, 3-D визуализация ва голограмма, QR-кодлар, чет тилларидаги электрон гидлар ва ҳоказоларни) жорий этиш;

аҳоли, энг аввало, ёш авлод учун мўлжалланган, Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, музейларнинг фаолиятига инновацион ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва музей экспонатларининг рақамли шакллари яратиш орқали музей экспонатларини кўриш имконини берадиган инфратузилмани яратиш;

кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш учун музейларнинг маъмурий тузилмасини такомиллаштириш;

ходимларни, шу жумладан, хорижий мутахассисларни энг яхши жаҳон амалиётларига мувофиқ музейларнинг раҳбар лавозимларига очиқ танлов асосида жалб қилиш амалиётини жорий этиш;

мамлакатимизнинг маданий-тарихий меросини оммалаштириш ва танитиш мақсадида музейларнинг ижтимоий маконга тўлиқ интеграциялашуви таъминлаш;

музейларда имкониятлари чекланган шахслар, кекса ёшдаги ташриф буюрувчилар, мактабгача ёшдаги болалар ва уларга ҳамроҳлик қилаётган шахсларга хизмат кўрсатиш ва қулайлик яратишнинг инклюзив услубларидан кенг фойдаланиш;

музейларда академик тадқиқотларни, шу жумладан, Жамғарма маблағлари ҳисобидан грантлар ажратиш орқали маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларни жалб қилган ҳолда ривожлантириш.

Белгилаб қўйилсинки:

Реновация дастури Ўзбекистон амалий санъат музейида (Тошкент шаҳри), И. Савицкий номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейида (Нукус шаҳри) ва Ойбекнинг уй-музейида (Тошкент шаҳри) амалга оширилади;

Реновация дастури Жамғарма, маҳаллий ҳамда хорижий донорлар ва меценатлар маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

Жамғарманинг Ижро этувчи директори зиммасига Реновация дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи 2018 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантириш «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») иловага* мувофиқ тасдиқлансин:

республикада маданият ва санъатни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

маданият ва санъат муассасалари томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифат даражасини ошириш;

маданият ва санъат муассасалари ходимлари малакасини ошириш.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан масъул эканлиги белгилаб қўйилсин.

3. Реновация дастурини, «Йўл харитаси»ни ҳамда республиканинг маданият ва санъат соҳасини инновацион ривожлантиришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини яратиш мақсадида Жамғармага лотереялар ташкил этиш ва ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

лотереялар ташкил этиш ва ўтказишдан тушадиган даромадлар Жамғарманинг ихтиёрида қолади ва улардан ушбу банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган мақсадлар учун фойдаланилади;

лотерея чипталарини тарқатиш ва улар бўйича ютуқларни тўлаш Жамғарма билан тузилган агентлик битимлари асосида «Ўзбекистон почтаси» АЖ ва акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан амалга оширилади;

лотерея чипталари рекламаси ижтимоий реклама ахбороти ҳисобланади.

4. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарманинг харажатлар сметасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин, унда лотерея ташкил этиш ва ўтказиш, шу жумладан, зарур тираж ускунасини харид қилиш ва лотереяларни уюштирувчиларга қонун ҳужжатларига мувофиқ қўйиладиган лицензия талаблари ва шартларини қондириш учун зарур бўлган маблағлар назарда тутилсин.

5. Лотерея ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологиялар ва асбоб-ускуналарни белгиланган тартибда тузиладиган рўйхат бўйича олиб киришда Жамғарма 2021 йил 1 сентябргача божхона тўловлари тўлашдан озод этилсин (бундан божхона расмийлаштируви учун тўловлар мустасно).

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Жамғарма ва бошқа манфаатдор идоралар, шунингдек, маданият ва санъат соҳасидаги етакчи халқаро ташкилотлар билан биргаликда икки ой муддатда «Меценатлик фаолияти ва маданий ҳомийлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да рус тилида эълон қилинган.

қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин. Қонун лойиҳасида бошқалар каторида куйидагилар назарда тутилсин:

маданият ва санъат муассасаларига, шу жумладан, жисмоний шахсларга ёрдам кўрсатувчи меценатлар ва хомийларга солиқ имтиёзлари (чегирмалар) такдим этиш учун ҳуқуқий асослар яратиш;

солиқ имтиёзлари (чегирмалар) олиш ҳуқуқини сақлаб қолган ҳолда маданият ва санъат муассасаларини қўллаб-қувватлаш шаклларини ва услубларини кенгайтириш (муайян ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш, мол-мулк ҳуқуқини бериш ва ҳоказо);

маданият ва санъат муассасаларини жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий услубларини жорий этиш;

меценатлик ва хомийлик ёрдамини олаётганларнинг ҳисоб бериш тизимини, шунингдек, улардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни такомиллаштириш.

7. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Жамғарма, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда куйидагиларни назарда тутувчи ҳуқумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

маданият ва санъат муассасаларида блокчейн технологиясидан фойдаланган ҳолда Чипта операцияларининг ягона электрон тизимини (кейинги ўринларда — ЧОЯЭТ) жорий этиш ва унинг ишлаш тартибини белгилаш;

ЧОЯЭТга уланган республика маданият ва санъат муассасалари томонидан чипталарни сотиш, ҳисобга олиш ва тасдиқлаш автоматик тизимларидан мажбурий фойдаланиш;

электрон чипталарни чипта аппаратлари ва автоном босма ускуналардан фойдаланиб, электрон чипталарни, шу жумладан, чипта тарқатувчи юридик шахслар томонидан воситачилик шартномалари асосида эркин муомалага чиқариш ва реализация қилиш учун ҳуқуқий асослар яратиш;

электрон чипталар реквизитларига, шунингдек, маданият ва санъат муассасаларининг электрон чипталарни муомалага чиқариш, ҳисобга олиш ва тасдиқлаш учун фойдаланадиган моддий-техник базасига энг кам талабларни жорий этиш;

ЧОЯЭТ доирасида чипталарни реализация қилиш бўйича операцияларни ҳимоя қилишга, чипталарни кейинчалик баландроқ нархда қайта сотиш учун ёппасига сотиб олинишига йўл қўймасликка доир чораларга энг кам талабларни жорий этиш;

ЧОЯЭТ доирасида чипталарни сотишдан тушган тушумдан ЧОЯЭТни сақлаш, шунингдек, Реновация дастурида ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш учун Жамғармага юбориладиган йиғим жорий этиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 26 август,
ПҚ-3920-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

707 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалик техникаси билан жиҳозлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сонли қарори)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигини ўз вақтида қишлоқ хўжалик техникаси билан жиҳозлаш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 10 майдаги ПҚ-3712-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатлари иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 август,
ПҚ-3922-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 28 августдаги
ПҚ-3922-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ўз кучини йўқотган ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012 — 2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» 2012 йил 21 майдаги ПҚ-1758-сонли қарори 5-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиззах ва Сирдарё вилоятлари қишлоқ хўжалигини техник жиҳозлашни янада яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 16 майдаги ПҚ-2969-сонли қарори 2-бандининг учинчи хатбоши.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

708 Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон Фармони билан тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 56-бандига мувофиқ, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш тартибини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) бошқа давлатлардан келган ва доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 августда эълон қилинган.

2. Белгилаб қўйилсинки, бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) доимий прописка қилиш мазкур қарор билан тасдиқланган Рўйхат асосида амалга оширилади.

3. Давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари ушбу шахсларни лавозимидан озод қилинганлиги, бошқа ишга ўтганлиги ёки пенсияга чиққанлиги тўғрисида ўз вақтида хабар бермаганлик учун шахсий жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Белгилансинки, бошқа давлатлардан келган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиш ҳуқуқига:

Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатида кўрсатилган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари раҳбарлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоятлар (Тошкент вилоятидан ташқари) ҳокимлари эга.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий ва вақтинча прописка қилиш, шунингдек, турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартибини назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини киритсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 август,
ПҚ-3924-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 28 августдаги
ПҚ-3924-сон қарорига
ИЛОВА

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда (Тошкент вилоятидан ташқари) бошқа давлатлардан келган ва доимий прописка қилиниш ҳуқуқига эга бўлган шахслар — чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тоифалари РЎЙХАТИ

1. Қонун ҳужжатларига мувофиқ олинган уй-жойга эга бўлган чет эл давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — хусусий мулк қилиб олинган уй-жойга.

2. Қариндошлар — мазкур Рўйхат кучга киргунга қадар ўзларининг тўғри шажара бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописка қилинган уй-жой майдониغا.

3. Эр (хотин) — хотини (эри) доимий прописка қилинган уй-жой майдониغا, башарти камида беш йил биргаликда яшаётган бўлса.

4. Васийлик ва ҳомийликдаги шахслар — васий (ҳомий) доимий прописка қилинган уй-жой майдониغا.

5. Ота-онаси бўлмаган вояга етмаган туғишган ака-ука ва опа-сингиллар — ўзларининг туғишган ака-ука ёки опа-сингиллари доимий прописка қилинган уй-жой майдониغا.

6. Давлат ҳокимияти органларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этиладиган юқори малакали мутахассислар, тор ихтисосликдаги мутахассислар тегишли орган ёки ташкилот раҳбарининг илтимосномасига кўра, шунингдек, уларнинг оила аъзолари (эри, хотини, шунингдек, уларнинг ўз оиласи бўлмаган фарзандлари) — мазкур шахслар лавозимда турадиган даврга.

7. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари доимий прописка қилинган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар — доимий яшаш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга (Тошкент вилоятидан ташқари) қайтиб келганида.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

710 Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Реклама бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш, республика аҳоли пунктлари қиёфасини яхшилаш, шунингдек, ташқи реклама соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар рўйхатини шакллантириш, тавсия этиладиган реклама конструкциялари турлари ва уларни жойлаштириш хариталари (схемалари)ни тузиш ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ички ишлар, қурилиш органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бўлинмалари билан ҳамкорликда амалга оширилади;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини бериш «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида очиқ электрон аукционлар орқали амалга оширилади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;

«E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида очиқ электрон аукционлар орқали берилган ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқига шартномалар тузиш туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан амалга оширилади;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида ва давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини электрон аукцион натижалари асосида сотишдан тушган маблағлар, шунингдек ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) учун ойлик тўловлар туманлар (шаҳарлар) бюджетига йўналтирилади;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 5 сентябрда эълон қилинган.

ташқи реклама жойлаштириш ҳуқуқи учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланадиган миқдорда йиғим ундирилади, ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади;

ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқини бериш бўйича шартномалар тузишни туман (шаҳар) ҳокимликлари амалга оширади, ташқи рекламани жойлаштириш ҳуқуқини бериш учун йиғимларнинг 90 фоизи туман (шаҳар) бюджетига, 10 фоизи эса — «Тасвирий ойна» ижодий бирлашмаси ва унинг ҳудудий филиалларига миллий ғоя ва маънавият тарғиботи тадбирларини молиялаштириш, унинг аппарати ходимларини таъминлаш учун йўналтирилади;

ижтимоий реклама маълумотини жойлаштиришнинг энг кам муддати ҳар бир ташқи реклама объекти бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу банднинг еттинчи хатбошида кўрсатилган маблағларнинг ўз вақтида ва тўғри йўналтирилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин.

2. Белгилансинки, ташқи реклама объектларини ер участкаларида ва давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида очик электрон аукционлар орқали сотишнинг бошланғич нархи:

ер участкалари учун — ушбу ер участкаси учун белгиланган ер солигининг 10 баробари миқдоридан кам бўлмаган миқдорда кўзда тутилган фойдаланиш муддатининг ҳар бир йили учун;

давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар учун — бино ва иншоотнинг фасад қисми ҳамда периметри бўйича, шунингдек ҳар бир реклама пешлаваха учун кўзда тутилган фойдаланиш муддатининг 1 кв. м учун энг кам ижара ҳақи миқдоридан белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан 2018 йил 1 декабрдан бошлаб, ташқи реклама иншоотларига эгалик ҳуқуқларини, шу жумладан, жойлари паспортларини расмийлаштиришни тадбиркорлик субъектларига Давлат хизматлари кўрсатиш маркази томонидан «ягона дарча» тамойили бўйича амалга ошириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини расмийлаштириш бўйича давлат хизмати кўрсатишнинг маъмурий регламенти лойиҳасини бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш дав-

лат қўмитаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда:

бир ой муддатда — туманлар (шаҳарлар)да жойлашган давлат ҳокимияти органлари бинолари, маданий-тарихий ва диний объектларда рекламадан холи ҳудудларни аниқлаш, шунингдек, ушбу ҳудудлар тўғрисидаги маълумотларни аҳолига ҳамда тадбиркорлик субъектларига етказишни;

2019 йил 1 январгача бўлган муддатда — рекламадан холи ҳудудларда жойлаштирилган ёки қонунчиликка риоя этилмаган ҳолда ўрнатилган ташқи реклама объектлари (конструкциялари) эгалари билан шартномаларни бекор қилишни;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун қонунчиликка мувофиқ аввал тузилган шартномаларни, берилган паспортларни, гувоҳномаларни, рухсатномаларни ва бошқа ҳуқуқ берувчи ҳужжатларнинг мазкур қарорда белгиланган муддатларга узайтирилишини, ушбу объектлар билан бир ҳудудда (зонада) жойлашган ер участкаларига бўлган ҳуқуқни «E-IJRO AUKSION» ягона электрон савдо майдончасида ўтказилган очик электрон аукционларда сотиш натижалари асосида аниқланадиган миқдордаги йиғим суммаси тўлиқ тўланганидан сўнг амалга оширилишини таъминласин.

5. Белгилансинки:

ер участкаларига ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқи 10 йилгача, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларга 5 йилгача берилади;

шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 ой мобайнида ер участкаларига, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларга ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлаштирилмаган тақдирда, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқи бекор қилинади.

6. Белгилансинки, олдиндан огоҳлантиришни таъминлаш, профилактика самарадорлигини ошириш ва қоидабузарликларга йўл қўймаслик мақсадида реклама бозори субъектлари, шу жумладан «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ва унинг ҳудудий филиаллари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва (ёки) унинг ҳудудий органларидан кўриб чиқиш учун тақдим этилган реклама маълумотларининг ғоялари, мавзулари ва эскизлари бўйича ихтиёрий равишда ҳулосалар олиш ҳуқуқига эга.

7. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Адлия вазирлиги ва манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ноқонуний жойлаштирилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш;

ташқи рекламани жойлаштиришда реклама берувчининг хоҳишига кўра Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидан ва бошқа тиллардан фойдаланиш талабларини белгилаш;

ижтимоий рекламанинг минимал ҳажмини ташқи рекламани жойлаш-

тиришнинг умумий бир йил вақтидан 20 фоизгача оширишни назарда тутувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги бош режалар, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари ишлаб чиқилган тақдирда, ташқи реклама объектлари (конструкциялари) қурилиш жойларига киритилишини таъминлайди, шунингдек, биноларни қуриш (таъмирлаш) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини ва ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларига мувофиқлиги юзасидан белгиланган тартибда ҳулосалар берилишини таъминлайди.

9. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Қурилиш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни киритсин:

а) қуйидагиларнинг:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини), шу жумладан биноларнинг ташқи қурилмалари ва фасадларини қуриш, ижтимоий-жамоатчилик фаоллиги, тарихий-маданий қадриятларга қараб аниқланадиган шаҳарларнинг ва шаҳар зоналарининг категориясини ҳисобга олган ҳолда рухсат этиладиган тоифа ва кўриниш, дизайнерлик ечимлари ва реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш тартиби;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун бериладиган ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар рўйхатини, уларнинг сони, ҳажми ва шаҳарлар ёки шаҳар зоналари категориясига мувофиқ ҳолда шакллантириш тартиби;

«ташқи реклама» тушунчасини аниқлаштирган ҳолда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкалари, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш ҳуқуқини электрон аукционлар орқали сотиш тартиби;

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш тўловлари миқдорини аниқлаш, шу жумладан ижтимоий ёки тижорат реклама маълумотлари мавжудлигидан қатъи назар, шунингдек, ташқи рекламани жойлаштириш учун йиғимларнинг табақалаштирилган миқдорларини белгилаш тартиби;

ташқи реклама объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг техник регламенти;

муайян майдонда рухсат этиладиган реклама конструкциялари миқдордан келиб чиқиб ҳисобланадиган ташқи реклама объектлари (конструкциялари)ни ўрнатиш нормативлари тасдиқланишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини;

б) конун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмурадов ва Ўзбекистон

Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 август,
702-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

711 **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 174-сон буйруғи (рўйхат рақами 2495, 2013 йил 29 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 31-сон, 414-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига иловаға мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучға киреди.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 июль,
204-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
29 июлдаги 204-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш
туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички
тартиб қоидаларига киритилаётган қўшимчалар**

1. 267-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Адвокатларга маҳкумлар билан аудио ва видео кузатув қурилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақлаб қолинади.».

2. 268-банд қўйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Адвокатнинг маҳкум билан учрашиш жараёнида электрон воситалардан (мобил телефон, фотоаппарат ва диктофон) фойдаланиш имконияти яратилади. Бунда адвокат томонидан электрон воситалардан маълумотларни қайд этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.».

3. Қўйидаги мазмундаги 268¹-банд билан тўлдирилсин:

«268¹. Адвокат томонидан электрон воситалардан маълумотларни қайд этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда учрашув муддатидан илгари тўхтатилиб, ЖИЭМ маъмурияти томонидан адвокатлик сири ва дахлсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда далолатнома расмийлаштирилади. Далолатнома нусхаси ЖИЭББга, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига ва гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига зудлик билан юборилади.

Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси далолатномада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида ЖИЭМга ахборот беради.

4. Мазкур қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий суди ва Адвокатлар палатаси билан келишилган.

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2018 йил 28 июль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 16 июль

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 13 июль

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2018 йил 11 июль

Адвокатлар палатаси раиси в. б.

Ш. САДИКОВ

2018 йил 30 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

712 **Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги**
тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-3*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги ПФ-5441-сон «Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармониға мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2012 йил 29 декабрдаги 175-сон буйруғи (рўйхат рақами 2456, 2013 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 20-сон, 260-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига иловаға мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 25 августда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 июль,
203-сон

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирининг 2018 йил
29 июлдаги 203-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов
ҳибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 159-банд қуйидаги мазмундаги биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«159. Адвокатнинг ҳимоя остидаги шахс билан аудио ва видео кузатув қурилмалари бўлмаган махсус хонада ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учрашиши таъминланади, бунда адвокат ва ҳимоя остидаги шахснинг суҳбатини учинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал кўриб туриш имконияти сақлаб қолинади.»;

биринчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. 161-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«161. Мазкур Қоидаларнинг 160 ва 162¹-бандларида назарда тутилган асослар бўйича адвокат билан учрашув муддатидан илгари тўхтатилган тақдирда, ТХ маъмурияси томонидан адвокатлик сири ва дахлсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда далолатнома расмийлаштирилади. Далолатнома нусхаси ЖИЭББга, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармасига ва гувоҳнома берган ҳудудий адлия органига зудлик билан юборилади.

Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармаси далолатномада кўрсатилган ҳолатлар юзасидан кўрилган чоралар тўғрисида ЖИЭМга ахборот беради.».

3. Қуйидаги мазмундаги 162¹-банд билан тўлдирилсин:

«162¹. Адвокатнинг ҳимоя остидаги шахс билан учрашиш жараёнида электрон воситалардан (мобил телефон, фотоаппарат ва диктофон) фойдаланиш имконияти яратилади. Бунда адвокат томонидан электрон воситалардан маълумотларни қайд этиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.».

4. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Олий суди ва Адвокатлар палатаси билан келишилган.

Бош прокурор

О. МУРОДОВ

2018 йил 28 июль

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 16 июль

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 13 июль

Олий суд раиси

К. КАМИЛОВ

2018 йил 11 июль

Адвокатлар палатаси раиси в. б.

Ш. САДИКОВ

2018 йил 30 июнь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИНИНГ
ҚАРОРИ

713 **Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3059

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 июлдаги 547-сон «Туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнали енгил автотранспорт воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура ва Давлат хавфсизлик хизмати **қарор қилади:**

1. Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга қиради.

Ички ишлар вазири

Тошкент ш.,
2018 йил 24 август,
58-сон

П. БОБОЖОНОВ

Бош прокурор

Тошкент ш.,
2018 йил 24 август,
50-ққ-сон

О. МУРОДОВ

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси**

Тошкент ш.,
2018 йил 24 август,
7-сон

И. АБДУЛЛАЕВ

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 26 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги, Бош прокуратураси ва Давлат
хавфсизлик хизматининг 2018 йил 24 август-
даги 58, 50-кк, 7-сон қарорига
ИЛОВА

**Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини
ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни
рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини
бекор қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг (бундан буён матнда ДЙХХХ деб юритилади) бўлинмалари томонидан енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

енгил автотранспорт воситасининг эгаси — автотранспорт воситасига мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқлар асосида эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс;

мурожаат этувчи шахс — енгил автотранспорт воситаси (M1 тоифа) ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсат беришни сўраб мурожаат қилган Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ёки юридик шахси, чет эл фуқароси ёки Ўзбекистон Республикасида яшаш мақомига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахс ёки чет эл фуқаросининг ички ишлар органларида доимий ёки вақтинчалик яшаш жойи қайд этилган миллий паспортига эга бўлган шахс, чет эл давлатларининг Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатувчи ваколатхоналари ёки юридик шахслари;

рухсатнома — енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) ДЙХХХ бўлинмаси томонидан бериладиган ҳужжат.

2-боб. Рухсат беришнинг талаб ва шартлари

3. Рухсатномани бериш Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларининг рўйхатлаш ва имтихон олиш бўлинма (бўлим, бўлинма, пункт)лари (бундан буён матнда ДЙХХХнинг ҳудудий бўлинмалари деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

ДЙХХХнинг ҳар бир ҳудудий бўлинмалари ўзининг хизмат кўрсатиш

худудида рўйхатга олинган енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш)га рухсатномани беради.

4. Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ишлари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги «Инновацион лойиҳалар ва аҳолига сервис хизматлар кўрсатиш маркази» ДУК (бундан буён матнда иш бажарувчи деб юритилади) томонидан рухсатнома ва тасдиқланган давлат стандартига мувофиқ амалга оширилади.

5. Енгил автотранспорт воситалари ойналари тусини берилган рухсатномага асосан:

орқа ойнасининг ёруғлик ўтказувчанлиги 5 фоиздан;

орқа ён ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги 30 фоиздан кам бўлмаган даражагача ўзгартирилиши (қорайтирилиши) мумкин.

Ойналарни кўзгусимон тусда ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсат этилмайди.

6. Енгил автотранспорт воситалари олд ойнасининг тепа қисми тусини эни 14 см дан кўп бўлмаган ва ёруғлик ўтказувчанлиги 30 фоиздан кам бўлмаган полоса шаклида ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома олиш талаб этилмайди.

Енгил автотранспорт воситалари олд ойнасининг тепа қисми тусини эни 14 см дан кўп бўлмаган ва ёруғлик ўтказувчанлиги 30 фоиздан кам бўлмаган полоса шаклида ўзгартириш (қорайтириш):

енгил автотранспорт воситасининг эгаси томонидан мустақил равишда; иш бажарувчи томонидан (иш бажарувчи томонидан тасдиқланган нархлар асосида) амалга оширилиши мумкин.

3-боб. Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ва рухсатнома бериш ҳамда уларнинг ҳисобини юритиш тартиби

7. Рухсатнома мазкур Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ берилади.

8. Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома енгил автотранспорт воситаси эгасига унинг ДЙХХХнинг ҳудудий бўлинмасига мазкур Низомнинг 2 ва 3-иловалардаги шаклга мувофиқ берилган аризасига асосан берилади.

Ариза мурожаат этувчи шахс томонидан ДЙХХХнинг ҳудудий бўлинмаларига шахсан топширилади.

9. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова этилиши лозим:

а) енгил автотранспорт воситаси эгасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (жисмоний шахсларга — Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти, ҳарбий хизматчилар учун — ҳарбий қисм ёки ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно), чет эл фуқаролари учун — Ўзбекистон Республи-

касида яшаш гувоҳномаси ёки ички ишлар органларининг доимий ёки вақтинчалик прописка жойи ҳақида белги қўйилган чет эл фуқаросининг миллий паспорти, фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг шахсини тасдиқловчи Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси);

б) енгил автотранспорт воситасининг эгасига тегишлилигини тасдиқловчи (техник паспорт, техник талон) рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;

в) юридик шахсларга тегишли бўлган енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатномани олишга ишончнома ва ишончнома берилган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат;

г) тўлов амалга оширилганлиги ҳақида:

енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсат бериш учун (Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл ваколатхоналари ва юридик шахслари);

иш бажарувчи томонидан тасдиқланган нархлар асосида аввал ўрнатилган ва механик шикастланиш натижасида яроқсиз ҳолга келган туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойнани ёки тусини ўзгартирувчи материални тиклашга иш бажарувчининг хизматлари учун банк тўлов ҳужжати.

Мурожаат этувчи шахсдан мазкур бандда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб этиш мумкин эмас.

10. Рухсатнома олиш учун зарур бўладиган маълумотлар, шунингдек ҳужжатлар намунаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

11. ДЙҲХХ ҳудудий бўлинмасининг аризани кўриб чиқиш ва рухсатномани бериш учун масъул бўлган ходими:

енгил автотранспорт воситасини ташқи кўздан кечиради;

мурожаат этувчи шахсдан мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатларни қабул қилади;

мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ (қоғоз ёки электрон шаклда) рухсатномаларни беришни махсус рўйхатга олиш китобида қайд этади;

мазкур Низомнинг 5-иловасига асосан рухсатномани расмийлаштиради, имзолайди ва ДЙҲХХ ҳудудий бўлинмасининг муҳрини босади.

12. Рухсатнома тегишли ҳудудий ДЙҲХХ бўлинмасига хизмат кўрсатувчи иш бажарувчининг филиалига ишларни амалга ошириш мақсадида бериш учун мурожаат этувчи шахсга махсус рўйхатга олиш китобига имзо қўйилган ҳолда берилади.

13. ДЙҲХХнинг тегишли ҳудудий бўлинмасига хизмат кўрсатувчи иш бажарувчининг филиали томонидан:

тасдиқланган давлат стандартига мувофиқ тақдим этилган енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ишлари бажарилади;

мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) бўйича бажарилган ишлар

ҳисобини юритиш китобига ёзув киритилади. Бунда енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартирган (қорайтирган) филиалнинг иш бажарувчи ходими томонидан рухсатноманинг орқа томони тўлдирилади, имзоланади ва шахсий штампи босилади.

14. ДЙХХХнинг ҳудудий бўлинмаси ходими енгил автотранспорт воситасининг ҳисобга олиш (электрон ва қоғоз шаклдаги) маълумотларига тегишли ўзгартиришлар киритади (берилган рухсатноманинг серияси, рақами, берилган жойи, вақти ва амал қилиш муддати).

15. Барча ишлар аризани қабул қилишдан бошлаб рухсатнома берилгунга қадар икки соат ичида амалга оширилиши шарт.

16. Қуйидагиларга асосан рухсатнома бериш рад этилиши мумкин:

муружаат этувчи шахс томонидан мазкур Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаганда;

муружаат этувчи шахс томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ҳаққоний бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар кўрсатилганда;

автотранспорт воситасининг ойналарида тусини ўзгартириш (қорайтириш) имконини бермайдиган механик шикастланишлар мавжуд бўлганда.

Рухсатномани беришнинг бошқа асосларга, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслигига кўра рад этилишига йўл қўйилмайди.

17. Рухсатнома бериш рад этилган тақдирда рухсатномаларни ҳисобга олиш китоби ва аризада рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ёзув киритилади, муружаат этувчи шахснинг талабига асосан аризининг нусхаси тақдим этилади.

4-боб. Рухсатномани қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, дубликатини бериш

18. Рухсатнома фақатгина:

енгил автотранспорт воситасининг ҳисобга олиш маълумотларига ўзгартириш киритилганида (қайта жиҳозлаш, давлат рақам белгиси ва рўйхатга олиш гувоҳномаси ўзгартирилганда);

эгасининг маълумотларида ўзгариш бўлганида (жисмоний шахснинг фамилия, исми, шарифи ўзгарганида, юридик шахс қайта ташкил этилганда, унинг турар жойи (почта манзили) ёки номланиши ўзгартирилганда);

енгил автотранспорт воситалари ойналарини мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналарнинг ёруғлик ўтказувчанлик даражаси ўзгартирилганда қайта расмийлаштирилади.

Рухсатномани қайта расмийлаштириш унинг эгаси томонидан қайд этилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этилган аризаси асосида амалга оширилади.

Рухсатнома аввал берилган рухсатноманинг амал қилиш муддатигача қайта расмийлаштирилади.

19. Енгил автотранспорт воситасининг эгаси ўзгарганда янги эгасига аввалги рухсатноманинг қолган амал қилиш муддатига ДЙХХХда қайта рўйхатдан ўтказиш вақтида қайта расмийлаштириб берилади.

Бундай ҳолда аввал берилган рухсатнома энгил автотранспорт воситаси қайта рўйхатга олинаётган жойдаги ДЙХХХ бўлинмасига топширилиши шарт.

20. Рухсатноманинг амал қилиш муддатини узайтириш уни бериш учун назарда тутилган тартиб асосида амалга оширилади.

21. Рухсатнома йўқолган ёки яроқсиз ҳолатга келтирилган тақдирда унинг дубликати мурожаат этувчи шахснинг аризасига асосан берилади. Яроқсиз ҳолга келтирилган рухсатноманинг асли аризага илова қилинади.

Рухсатнома дубликатини бериш ва қайта расмийлаштириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг иккидан бир қисми миқдорида тўлов ундирилади.

ДЙХХХнинг ҳудудий бўлинмаси рухсатнома дубликатини ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг икки соат ичида бериши шарт.

Дубликат берилганда аввал берилган рухсатнома бекор қилинади, йўқотилган рухсатнома дубликат берилганидан сўнг топилганда у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади ва ҳудудий ДЙХХХга белгиланган тартибда йўқ қилиш учун топширилиши лозим.

5-боб. Яқуний қоидалар

22. Рухсатнома 1 йил муддатга берилади, эгаси уни амал қилиш муддати тугашидан олдин фойдаланишдан воз кечган тақдирда, тўловнинг қолган қисми қайтарилмайди.

Рухсатнома асосида ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларидан мазкур автотранспорт воситасини бошқариш ҳукуқи бўлган шахслар фойдаланиши мумкин.

23. Рухсатнома бланкаси қатъий ҳисобда турувчи ҳужжат ҳисобланади, уни тайёрлаш, сақлаш, сарфлаш ва унинг ҳисобини юритиш ДЙХХХ органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

24. Иш бажарувчи энгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ишларини бажарганидан сўнг мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ мурожаатда кўрсатилган энгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ишлари бажарилганлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштиради.

25. Ойналари туси ўзгартирилган (қорайтирилган) энгил автотранспорт воситаларидан рухсатнома олмасдан фойдаланиш, шунингдек энгил автотранспорт воситасининг ойналарини тусини ўзгартириш (қорайтириш) учун рухсатнома олган ҳолда ойналарнинг ёруғлик ўтказувчанлигини мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилганидан юқори фоизга ўзбошимчалик билан ўзгартириш қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш)га рухсатнома бериш СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Муддати
Мурожаат этувчи шахс	Ойналарининг туси ўзгартириладиган (қорайтириладиган) енгил автотранспорт воситасини ва зарур бўлган ҳужжатларни ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмасига тақдим қилиш	Мурожаат этувчи шахснинг хоҳишига асосан
ДЙҲХХнинг ҳудудий бўлинмаси ходими	<ol style="list-style-type: none"> 1. Енгил автотранспорт воситасини кўздан кечиради. 2. Мурожаат этувчи шахсдан зарур бўлган ҳужжатларни қабул қилиб олади, уларни текширади ва рухсатномани ҳисобга олиш китобида қайд этади. 3. Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатномани расмийлаштиради. 	<p align="center">Дарҳол</p> <p align="center">Умумий навбат асосида</p>
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» ДУКнинг ҳудудий бўлинмаларининг ишчиси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Тақдим қилинган енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ишларини амалга оширади. 2. Енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) бўйича бажарилган ишларнинг ҳисобини юритиш китобига киритади. 3. Рухсатноманинг орқа томонини тўлдиради, имзолайди ва шахсий штамп билан тасдиқлайди. 	<p align="center">Умумий навбат асосида</p> <p align="center">Ўзгартириш яқунлангач дарҳол</p>

Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____ ЙХХБ

(ҚР ИИБ, Тошкент ш. ИИББ, вилоятлар ИИБ)

_____ бошлиғига

(Рў ва ИОБ)

**Юридик шахсларга (Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар юридик шахсларига) тегишли енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш)га рухсатнома бериш юзасидан
АРИЗА**

_____ енгил

(енгил автотранспорт воситасининг русуми, тури ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси)

автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш)га рухсатнома беришингиз ва ўзгартириш ишларини амалга оширишингизни сўрайман.

Аризага илова этилаётган ҳужжатлар рўйхати:

(Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги низомнинг 9-бандига мувофиқ тўлдирилади)

Раҳбар _____

(имзо)

(Ф.И.О.)

Изоҳ: юридик шахс номи, жойлашган жойи (почта манзили) ва ташкилий-ҳуқуқий шакли кўрсатилган ҳолда фирма бланкасида тўлдирилади.

Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

_____ ЙҲХБ

(ҚР ИИБ, Тошкент ш. ИИББ, вилоятлар ИИБ)

_____ бошлиғига

(Рў ва ИОБ)

_____ дан

(мурожаат этувчи шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми)

_____ (почта манзили)

_____ (телефон рақами)

**Жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт
воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш)га
рухсатнома бериш юзасидан
АРИЗА**

_____ енгил

(енгил автотранспорт воситасининг русуми, тури ва рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси)

автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш)га рухсатнома беришингиз ва ўзгартириш ишларини амалга оширишингизни сўрайман.

Аризага илова этилаётган ҳужжатлар рўйхати:

(Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тўғрисидаги низомнинг 9-бандига мувофиқ тўлдирилади)

_____ (мурожаат этувчи шахс имзоси)

_____ (Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Изоҳ: жисмоний шахс томонидан унинг фамилияси, исми, отасининг исми, шахсини тасдиқловчи ҳужжат маълумотлари кўрсатилган ҳолда тўлдирилади.

Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

_____ **ЙҲХБ** _____ **ТОМОНИДАН**
(ҚР ИИБ, Тошкент ш. ИИББ, вилоятлар ИИБ) (РУ ва ИОБ)

**енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга)
берилган рухсатномаларни беришни махсус рўйхатга олиш
КИТОБИ**

Т/р	Мурожаат келиб тушган вақт ва сана	АТВ эгаси	Рўйхат манзили	Русуми	РЎДРБ	Ўзгартириш далолатномаси рақами	Рухсатнома серияси ва рақами	Амал қилиш муддати (санаси)	АТВ эгасининг имзоси
1.									
2.									
3.									

Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатноманинг НАМУНАСИ

(олд томони)

Енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) РУХСАТНОМА

Серияси _____ № _____

1. _____ турдаги _____ русумли, _____ рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгили, _____ рангли автотранспорт воситасига берилган.

2. Эгаси _____
(юридик шахснинг номи ва таъкилий-ҳуқуқий шакли, жисмоний шахснинг Ф.,И.,О. ва шахсини тасдиқловчи ҳужжати маълумотлари)

3. Рухсатнома берилган: _____
(ДЙХХХнинг ҳудудий бўлимаси номи)

4. Рухсатномани берди: _____ (ДЙХХХ ходими лавозими) _____ (имзоси) _____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

5. Рухсатнома берилган сана 20 ____ йил « ____ » _____

6. Рухсатноманинг амал қилиш муддати (санаси): 20 ____ й. « ____ » _____ гача.

(Орқа томони)

7. Енгил автотранспорт воситаси ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги кўрсаткичлари:

Орқа _____ %;

орқа ён (ўнг томон) _____ %;

орқа ён (чап томони) _____ %.

8. Ўзгартириш (қорайтириш) амалга оширилган:

_____ (Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги ДУКнинг ҳудудий филиали томонидан)

_____ (Лавозими) _____ (имзоси) _____ (Ф.И.О.)

Ш.Ў.

20 ____ й. « ____ » _____

**Енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини
ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома намунасининг
ТАВСИФИ**

Енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома тўртбурчак шаклдаги, ўлчамлари 80 x 130 мм. бўлган, зичлиги бир квадрат метрга 140+/-5 граммли 100% пахтадан олинган қоғоздан тайёрланади. Қоғоз қатлами орасига жойлашган, ультрабинафша нурда кўринадиган кўк ва оч яшил рангли тола ҳамда нурда яхши ажралиб турадиган «пахта чаноғи» кўринишидаги умумий «сув белги»си мавжуд.

Офсетли ёзув, серияси икки ҳарfli, номери олти рақамли.

Бланка қуйидаги махсус химояларга эга:

кимёвий таъсирга бардошли полиграф бўёқдан фойдаланилган, юза қисмидаги катакларда нусха олишга ва сканер қилишга қарши ингичка чизиклар мавжуд. Бир рангдан бошқа рангга расм чизиклари бузилмасдан оҳиста жиловланиши таъминланган. Жуда катталаштирилганда микроматн кўринадиган, ультрабинафша нурда кўринмайдиган тасвирлар ва олтирақамли сон кўринадиган. Махсус қабарик ва ўйиқлар мавжуд.

Кирилл алифбоси ҳарфларидаги ўзбек тили қўлланган.

Рухсатноманинг олд томонида унинг номланиши рус тилида ёзилган, серия ва рақамлари мавжуд, автотраспорт воситасининг тури, русуми, рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси, ранги, эгасининг маълумотлари, берилган ДЙХХХ ҳудудий бўлинмаси номи, берган мансабдор шахсининг лавозими, Ф.И.О., берилган санаси ва амал қилиш муддати кўрсатилади.

Рухсатноманинг орқа томонида енгил автотранспорт воситаси ойналарининг ёруғлик ўтказувчанлиги кўрсаткичлари орқа, орқа ён томонлари учун алоҳида, ўзгартириш (қорайтириш)ни амалга оширган Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ДУКнинг ҳудудий филиали номи, масъул шахсининг лавозими, Ф.И.О., ўзгартириш (қорайтириш) бажарилган сана кўрсатилади.

Рухсатномадаги ёзувлар сиёҳ ручкада ёки чоп этиш принтерида киритилади, ДЙХХХ мансабдор шахсининг имзоси ва муҳр билан, орқа томонида Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ДУКнинг ҳудудий филиали масъул шахси имзоси ва штампи билан тасдиқланди.

Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» ДУКнинг _____ филиали томонидан енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) бўйича бажарилган ишлар ҳисобини юритиш
КИТОБИ**

Т/р	Транспорт воситаси эгасининг Ф.И.О.	Автомобиль русуми	РЎДРБ	Сарфланган маҳсулот (материал) миқдори (ўлч. бир.)			Ўзгартириш санаси ва далолатнома №	Эгасининг розилиги	Техник-инспекторнинг имзоси
				орқа ойнага	орқа ён ойналарига	олд ойнага			
1.									
2.									
3.									

Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

**Енгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш
(қорайтириш) ишлари бажарилганлиги тўғрисида
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

№ _____

Русуми _____

РЎДРБ _____

Эгаси _____

Қайд этиш гувоҳномасининг серияси _____ № _____

Сарфланган махсулот (материал)нинг сертификати _____

ойналарнинг туси ўзгартирилган (қорайтирилган)дан кейинги ёруғлик ўтказувчанлиги кўрсаткичлари:

орқа _____ %;

орқа ён (ўнг томон) _____ %;

орқа ён (чап томони) _____ %.

Олд ойнаси тепа қисмининг туси ўзгартирилган (қорайтирилган) положаси эни _____ см.

Ойналар ёруғлик ўтказувчанлиги ўлчанган асбобнинг сертификати _____

Изох: _____

(ойналари механик шикастланган ёки автотранспорт воситасидан фойдаланиш

тақиқланган шартлар мавжуд бўлган ҳолатлар)

Хулоса: мазкур енгил автотранспорт воситасининг туси ўзгартирилган (қорайтирилган) ойналари _____ талабларига мувофиқ келади.

(стандарт рақами)

Далолатномани тузди:

(лавозими)

(имзоси)

(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси ИИВ хузуридаги «Инновация лойиҳалари ва аҳолига сервис хизматлари кўрсатиш маркази» ДУК филиалининг энгил автотранспорт воситаси ойналарининг тусини ўзгартириш (қорайтириш) ишларини бажарган ва ойналарнинг ёруғлик ўтказувчанлигини ўлчаган ходими томонидан тўлдирилади.

Ойналар ёруғлик ўтказувчанлиги бунга мўлжалланган ва қонунчиликда белгиланган тартибда текширувдан ўтган махсус асбоб ёрдамида бажарилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ
БУЙРУҒИ

714 **Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3060

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартибини белгилаш мақсадида, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 25 июль,
199-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил
25 июлдаги 199-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига
контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш
ва қабул қилиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 январдаги ПҚ–257-сон «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (бундан буён матнда Миллий гвардия деб юритилади) бўлинмаларига фуқаролар ва муддатли ҳарбий хизматчилар орасидан контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва ҳарбий хизматга қабул қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Миллий гвардия бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади.

2. Танловда қуйидаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган (ўтаётган) ва сафарбарлик чақируви резервида ҳарбий хизматни ўтаган шахслар;

олий таълим муассасаларида ҳарбий тайёргарликдан ўтган шахслар;
мукаддам оддий аскарлар, сержантлар ва офицерлар таркибидаги лавозимларда контракт бўйича ҳарбий хизматни ўтаган шахслар.

3. Танлов қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

якка тартибда суҳбат;
ҳарбий-профессионал танлаш;
тиббий кўрик.

4. Миллий гвардия бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилишда номзод бўйининг баландлиги қуйидаги махсус антропометрик параметрларга жавоб бериши талаб этилади:

Фаҳрий қоровул бўлинмаларига — 185 сантиметрдан паст бўлмаслиги;

Отлиқ аскарлар эскадронига — 175 сантиметрдан паст бўлмаслиги;
бошқа барча бўлинмаларга — 180 сантиметрдан паст бўлмаслиги.

5. Мазкур Низомнинг 4-бандида белгиланган махсус талаблар қуйидаги номзодларга нисбатан татбиқ этилмайди:

илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлган;
республика ёки халқаро тоифадаги спорт усталари;
спортнинг айнан бир тури бўйича республика ёки халқаро мусобақалар
голиблари;

олий маълумотга эга бўлган тор доирадаги мутахассислар.

6. Олий таълим муассасаларида ҳарбий тайёргарликдан ўтган аёл жин-
сидаги номзодларнинг бўйи 165 сантиметрдан паст бўлмаслиги лозим.

2-боб. Якка тартибда суҳбатни ташкил этиш ва ўтказиш

7. Номзодлар билан якка тартибда суҳбат ўтказишни таъминлаш мақ-
садида Миллий гвардия бўлинмаларида тегишли бўлинма бошлиғи ёки ко-
мандининг буйруғи билан Якка тартибда суҳбат ўтказиш комиссияси таш-
кил этилади.

8. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссияси таркиби Миллий гвар-
дия бўлинмаси бошлиғи ёки командири, унинг ўринбосарлари ҳамда бўлин-
ма ҳарбий хизматчилари орасидан шакллантирилади.

Миллий гвардия бўлинмаси бошлиғи ёки командири Якка тартибдаги
суҳбат ўтказиш комиссияси раиси ҳисобланади.

9. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссияси котиби номзод ҳақида-
ги маълумотларни мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги Ном-
зодларни рўйхатга олиш журналига қайд этади ҳамда номзоднинг якка тар-
тибдаги суҳбатга киришини таъминлайди.

10. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссиясининг тегишли аъзоси
томонидан номзод мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган талабга
жавоб беришини аниқлаш мақсадида унинг бўйи ўлчанади.

Номзоднинг бўйи Миллий гвардиянинг тегишли бўлинмаси учун белги-
ланган талабга жавоб бермаган ҳолларда Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш
комиссиясининг қарорига асосан номзод танловнинг кейинги босқичларида
иштирок этиши рад этилади (мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутил-
ган номзодлар бундан мустасно).

11. Мазкур Низомнинг 4-бандида назарда тутилган талабга жавоб бер-
ган номзодга мазкур Низом талаблари, ҳарбий хизматчининг ҳуқуқ ва маж-
буриятлари, ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ шартлар ва имтиёзлар
тушунтирилади ва номзоднинг якка тартибдаги суҳбатни давом эттириш
истаги бор ёки йўқлиги аниқланади.

12. Номзод якка тартибдаги суҳбатни давом эттириш истагини бил-
дирганда, у билан мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ Якка тартиб-
да суҳбат ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида суҳбат
ўтказилади.

13. Якка тартибдаги суҳбат натижалари бўйича Якка тартибдаги суҳ-
бат ўтказиш комиссияси аъзолари томонидан номзодни танловнинг ке-
йинги босқичларига қўйиш ёки қўймаслик тўғрисида қарор қабул қили-
нади.

Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссиясининг қарори шу вақтнинг

ўзида Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссияси котиби томонидан тўлдирилладиган мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги Суҳбат варақасига тегишли ёзув киритилади.

14. Номзод суҳбат якунида Суҳбат варақаси билан имзо қўйиш орқали таништирилади. Бунда, Суҳбат варақасида кўрсатилган қарор юзасидан номзоднинг эътирозлари бўлса, номзод шу вақтнинг ўзида ушбу Суҳбат варақасида эътирозларини баён этиши лозим.

Номзод Якка тартибдаги суҳбат ўтказилаётган хонани тарк этгандан кейин Суҳбат варақасига ёзувлар киритишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ташкил этиш

1-§. Умумий қоидалар

15. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш;
индивидуал-психологик ўрганиш.

16. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан ташкил этиладиган Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш бўйича доимий комиссия (бундан буён матнда Доимий комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

17. Доимий комиссия таркиби Миллий гвардия марказий девонининг тегишли бўлинмалари ҳарбий хизматчилари орасидан шакллантирилади. Доимий комиссия таркибига келишув асосида вазирлик ва идораларнинг мутахассислари киритилиши мумкин.

Миллий гвардия қўмондонининг кадрлар, ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари — Доимий комиссия раиси ҳисобланади.

18. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари мавжуд бўш лавозимлардан келиб чиққан ҳолда ўтказилади.

19. Доимий комиссия раиси томонидан Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш бўйича режа-жадвал тасдиқланади.

Режа-жадвалда умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш ва индивидуал-психологик ўрганиш тадбирлари ўтказиладиган куни, вақти ва жойи кўрсатилади.

20. Доимий комиссия котиби Доимий комиссия раиси томонидан тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ номзодларни Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари ўтказиладиган куни, вақти ва жойи ҳақида у ўтказилишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

21. Ҳарбий-профессионал танлаш якуни бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ баённома расмийлаштирилиб, Комиссия раиси ва аъзолари томонидан имзоланади.

2-§. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш тадбирини ўтказиш

22. Номзодларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синов мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш тадбирини ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

23. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш машқларини бажариш бошланишидан олдин номзодларга Доимий комиссияси аъзолари томонидан машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, машқларни бажариш тартиби ҳамда баҳолаш мезонлари тушунтирилади.

24. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажаришда спорт кийимида бўлишлари тавсия этилади.

25. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган умумжисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар ўғил болалар ва қиз болалар учун алоҳида белгиланади.

26. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажарган номзодлар шу вақтнинг ўзида Доимий комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш тадбирини ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

27. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш тадбирлари натижалари шу куннинг ўзида номзодлар эътиборига етказилади.

28. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш тадбирлари натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

29. Қайднома Доимий комиссиянинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовда иштирок этган аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида Доимий комиссия котибига топширилади.

30. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш бўйича синовда қониқарсиз деб баҳоланган номзод, умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш машқларини у баҳоланган кундан бошлаб 1 йил давомида 3 марта қайта топшириши мумкин, бироқ синов бўлиб ўтган куннинг ўзида қайта топширишга йўл қўйилмайди.

3-§. Индивидуал-психологик ўрганиш

31. Индивидуал-психологик ўрганиш тест шаклида амалга оширилади.

32. Тест саволлари Доимий комиссия раиси томонидан тасдиқланади.

33. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари қабул комиссияси котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслиги учун масъул ҳисобланади.

34. Тест синовлари мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ Психологик тест синовларини қабул қилиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида ўтказилади.

35. Тест синовларини 2 ойдан кейин қайта топширишга рухсат берила-

ди. Бунда 1 йил давомида қайта топширишлар сони 2 мартабадан ошмаслиги лозим.

36. Тест синовларининг натижалари бўйича 10 кун ичида Доимий комиссия аъзолари томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

37. Қайднома тест синовларида иштирок этган Доимий комиссия аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида Доимий комиссиянинг масъул котибига топширилади.

38. Номзодларнинг аниқланган баҳоси асосида унинг контракт бўйича ҳарбий хизматга қўйиладиган талабларга мос келиши ёки келмаслиги тўғрисида Комиссия томонидан хулоса чиқарилади.

39. Комиссия томонидан номзод «контракт бўйича ҳарбий хизмат талабларига нолойиқ» деб топилганда кадр органи ходими баённомадан кўчирма олгандан сўнг, номзодга рад этилганлиги тўғрисида маълум қилади.

4-боб. Тиббий кўриқдан ўтказиш

40. Номзодларнинг контракт бўйича ҳарбий хизматга яроқлилиқ даражасини аниқлаш юзасидан улар тиббий кўриқдан ўтказилади.

Номзодларга тиббий кўриқдан ўтиш учун йўлланмалар Миллий гвардия бўлинмалари тиббиёт хизматлари томонидан берилади.

41. Тиббий кўриқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучларида тиббий кўриқдан ўтиш тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

42. Соғлигининг ҳолатига кўра Миллий гвардия сафида контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташга яроқсиз деб топилган номзодлар Миллий гвардия бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинмайди.

5-боб. Номзоднинг ҳужжатларини расмийлаштириш ва контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилиш

43. Танловдан муваффақиятли ўтган номзодга Миллий гвардия бўлинмалари кадрлар органи томонидан шахсий ҳужжатлар йиғма жилди расмийлаштирилади.

44. Номзоднинг йиғма жилдини расмийлаштириш жараёнида номзод томонидан тақдим этилган маълумотлар ёлгон маълумот эканлиги аниқланган ҳолларда номзод Миллий гвардия бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинмайди.

6-боб. Якуний қоидалар

45. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига
контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Номзодларни рўйхатга олиш
ЖУРНАЛИ**

Т/р	Сана	Ф.И.О.	Туғилган йили ва куни	Маълумоти ва мутахассислиги	Яшаш манзили ва телефон рақами	Якка тартибдаги суҳбат натижаси
1.						
2.						
3.						
...						

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий
хизматга номзодларни танлаш ва қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Якка тартибда суҳбат ўтказиш методикаси ва баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

1-боб. Якуний суҳбат ўтказиш

1. Номзод якка тартибдаги суҳбатга кириши учун Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссиясига оғзаки шаклда мурожаат қилади. Бунда номзод ўзининг фуқаролик паспорти ёки ҳарбий гувоҳномаси ҳамда маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхасини Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссия котибига тақдим этади.

2. Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссияси аъзолари якка тартибдаги якуний суҳбатга кирган ҳар бир номзодга унинг маълумотидан келиб чиққан ҳолда 5 та савол беради.

3. Ҳар бир номзодга саволларга жавоб бериш учун 10 дақиқагача вақт берилади.

4. Белгиланган вақт тугагандан кейин, шунингдек саволларга белгиланган вақтдан олдин жавоб берган номзод хонани тарк этади.

2-боб. Якка тартибдаги суҳбатни баҳолаш мезонлари

5. Номзоднинг саволларга берган жавобига қараб Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссияси номзодни умумий баҳолайди.

6. Номзод Якка тартибдаги суҳбат комиссияси томонидан берилган саволларнинг камида 3 тасига тўлиқ жавоб берган деб топилганда «Номзодлар рўйхатига киритилсин ва ҳарбий-касбий танловга тақдим этилсин» тарзида қарор қабул қилинади.

7. Номзод Якка тартибдаги суҳбат комиссияси томонидан берилган саволларнинг 3 тасига тўлиқ жавоб бермади деб топилганда «Келгусида ўрганиш рад этилсин» тарзида қарор қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий
хизматга номзодларни танлаш ва қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Олд томони

**Номзод билан суҳбат ўтказиш
ВАРАҚАСИ**

Номзоднинг (Ф.И.О.):
Туғилган санаси ва жойи:
Суҳбат ўтказилган вақт:

Номзодга берилган саволлар ва уларнинг жавоблари:

Орқа томони

Номзоднинг имзоси: _____
Номзоднинг эътироз ва таклифлари: _____

Якка тартибдаги суҳбат ўтказиш комиссияси аъзолари

Т/р	Лавозими, Ф.И.О.	Таклиф	Имзо
1.			
2.			
3.			
...			

Қабул қилинган қарор _____

Комиссия раиси _____ (ҳарбий унвони, Ф.И.О.) _____ (имзо)

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига
контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Ҳарбий-профессионал танлаш комиссиясининг
_____сон БАЁННОМАСИ

Т/р	Номзоднинг Ф.И.О.	Туғилган куни, ойи, йили ва жойи	Ҳарбий-профессионал танлаш натижалари		Комиссия қарори
			умумжисмоний тайёргарлик даражаси	психологик тест синови	
1.					
2.					
3.					
...					

Комиссияси раиси:

(имзо)

(Ф.И.О.)

Комиссия раиси ўринбосари:

(имзо)

(Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари:

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

Комиссия котиби:

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий
хизматга номзодларни танлаш ва қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

**Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини
аниқлаш тадбирини ўтказиш
МЕТОДИКАСИ**

1. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлиги даражасини баҳолаш уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган машқларни бажаришларини текшириш орқали амалга оширилади.

2. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажариш бошланишидан олдин номзодларга Доимий комиссия аъзолари томонидан машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар, мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

3. Номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган умумжисмоний тайёргарлик машқлари ва уларни бажаришга қўйиладиган талаблар эркак ва аёл жинсидаги номзодлар учун алоҳида белгиланади.

4. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажаришда номзодлар қўйидаги ёш гуруҳларига бўлинади:

1-гуруҳ: 30 ёшгача бўлганлар;

2-гуруҳ: 30 ёшдан — 35 ёшгача бўлганлар;

3-гуруҳ: 35 ёшдан — 40 ёшгача бўлганлар.

5. Қўйидагилар эркак жинсидаги номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган умумжисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

тўсинда (турникда) тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш.

6. Қўйидагилар аёл жинсидаги номзодлар томонидан бажарилиши лозим бўлган умумжисмоний тайёргарлик машқлари ҳисобланади:

куч ишлатиш машқлари комплекси;

100 метрга югуриш;

1000 метрга югуриш.

7. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини бажариш оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 20 дақиқа вақт берилади.

8. Умумжисмоний тайёргарлик машқларини узрсиз сабабларга кўра бажармаган, шунингдек машқларни бажаришда «қоникарсиз» баҳо билан баҳоланган номзодларга қайта топширишга рухсат берилмайди.

9. Қўйидагилар тўсинда (турникда) тортилиш машқига қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

бош бармоқ поя ичкарасидан ушланади, тана бироз ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк тўсин (турник) поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;

ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 2 сониягача давом этиши мумкин).

Ушбу машқни бажаришда оёқларни букиш ва кериш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

10. 100 метрга югуриш машқи юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади ҳамда стадионнинг югуриш йўлакчасида ёки қаттиқ қопламли текис жойларда ўтказилади.

11. 3000 ва 1000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади.

Старт ва марра чизиклари бир жойда белгиланиши мумкин.

12. Номзод томонидан куч ишлатиш машқлари комплексини бажаришда 1 дақиқа ичида 2 та машқ узлуксиз бажарилади.

Ҳар бир машқни бажариш учун 30 сониядан вақт ажратилади.

Биринчи машқни бажариш учун ажратилган 30 сония вақт тугаганлиги эълон қилинганда, номзод дарҳол иккинчи машқни бажаришга киришади.

Қуйидагилар биринчи машқни бажаришга қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

чалқанча ётилади;

қўллар белда, тиззалар букилмаган ҳолда оёқлар тўпиқ қисмидан бошқа одам ёрдамида ушланади;

дастлабки ҳолатдан гавда олдинга қўтарилиб, қўллар оёқ учига теккандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида тиззаларни букиш ва шерик томонидан оёқларни қўйиб юбориш тақиқланади.

Қуйидагилар иккинчи машқни бажаришга қўйиладиган талаблар ҳисобланади:

таяниб ётилади, қўллар елка кенглигида тиззалар букилмаган ҳолатда бўлади;

қўллар букилиб ёзилади (бунда бел ҳамда елка қисмлари биргаликда ва текис тушиб чиқиши шарт);

қўллар букилиб тана ерга нисбатан параллел ҳолатга келтирилгандан сўнг, дастлабки ҳолатга қайтилади.

Ушбу машқни бажариш вақтида қўллар чала букилиб ёзилиши, бел ва елкалар ҳар хил тушиб чиқиши, тиззаларнинг ерга тегиши тақиқланади.

13. Номзоднинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини якуний баҳолаш қуйидагича амалга оширилади:

«аъло» — учта машқдан «аъло» баҳоланган ёки битта машқдан «аъло» қолган машқлардан «яхши» баҳоланган бўлса;

«яхши» — агар баҳоларнинг ярми ва ундан кўп қисми «яхши» баҳодан паст бўлмай, қолган қисми «қониқарли» бўлса;

«қониқарли» — агар баҳоларнинг ярми ва ундан кўп қисми «қониқарли» бўлиб, қониқарсиз баҳо бўлмаса;

«қониқарсиз» — агар баҳолардан бири ва ундан кўп қисми қониқарсиз бўлса ёки номзод, умумжисмоний тайёргарлик машқларнинг биттасини бажаришдан воз кечган бўлса.

Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш мазкур Методиканинг иловасига мувофиқ амалга оширилади.

14. Қайднома номзоднинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда иштирок этган Комиссия аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида Комиссия котибига топширилади.

Қайднома имзоланган куннинг ўзида умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш натижалари номзодларга эълон қилинади.

15. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда машқларнинг бирдан «қониқарсиз» баҳоланган номзод, қолган умумжисмоний тайёргарлик машқларига қўйилмайди.

16. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик машқларини бир йил давомида уч маротабагача қайта топширишлари мумкин.

17. Умумжисмоний тайёргарликдан муваффақиятли ўтган номзодларнинг кўрсаткичлари бир йил давомида сақланади.

Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш тадбирини ўтказиш методикасига
ИЛОВА

Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

1. Эркак жинсидаги номзодлар учун:

Т/р	Машқнинг номи	Ўлчов бирлиги	Ёш гуруҳи	Баҳолаш учун кўрсаткичлар		
				аъло	яхши	қониқарли
1.	100 метрга югуриш	сек.	1	14,0	14,4	15,2
			2	14,2	14,6	15,4
			3	14,8	15,4	16,0
2.	3 километрга югуриш	дақ. сек.	1	12,40	13,00	13,35
			2	13,00	13,20	14,00
			3	14,20	14,50	15,30
3.	Турникда тортилиш	марта	1	14	12	10
			2	13	11	9
			3	10	8	6

2. Аёл жинсидаги номзодлар учун:

Т/р	Машқнинг номи	Ўлчов бирлиги	Ёш гуруҳи	Баҳолаш учун кўрсаткичлар		
				аъло	яхши	қониқарли
1.	100 метрга югуриш	сек.	1	16,8	17,4	18,0
			2	17,4	18,0	18,6
			3	18,0	18,6	19,2
2.	1 километрга югуриш	дақ. сек.	1	4,25	4,40	5,00
			2	4,35	4,50	5,20
			3	4,50	5,05	5,40
3.	Комплекс куч ишлатиш машқлари	марта	1	32	29	26
			2	30	27	24
			3	28	25	22

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига
контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

**Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражаси натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА**

20__ йил «__» _____

Эркак жинсидаги номзодлар учун

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Машқларнинг номи ва баҳолаш						Умумий баҳолаш
		тўсинда (турникда) тортилиш		100 метрга югуриш		3000 метрга югуриш		
		натижа	баҳо	натижа	баҳо	натижа	баҳо	
1.								
2.								
3.								
...								

Аёл жинсидаги номзодлар учун

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Машқларнинг номи ва баҳолаш						Умумий баҳолаш
		Комплекс куч ишлатиш машқлари		100 метрга югуриш		3000 метрга югуриш		
		натижа	баҳо	натижа	баҳо	натижа	баҳо	
1.								
2.								
3.								
...								

Комиссияси раиси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Комиссия раиси ўринбосари:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Комиссия котиби:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий
хизматга номзодларни танлаш ва қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Психологик тест синовларини қабул қилиш МЕТОДИКАСИ

1. Номзодлар махсус хонага ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

2. Тест синовлари ўтказилаётган хонага жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

3. Тест синовларини ўтказишни бошлашдан аввал Доимий комиссия аъзолари номзодларга тест синовларини ўтказиш тартибини тушунтириши шарт.

4. Номзод бериладиган саволларга жавобларни белгилаш ҳамда вазифаларни бажариш орқали тест синовларидан ўтади.

5. Номзодга бериладиган психологик тест саволлари олдиндан тайёрланган варақларда 6 та вазифа берилади.

Номзодга берилган вазифаларни бажариш учун 120 дақиқа вақт берилади.

6. Тест саволида машқнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб 2 тадан 5 тагача жавоб варианты берилиши мумкин. Номзодлар тест саволларига жавоб вариантларини белгилашда жавоблар варақасидаги вариантлардан фақат битта тўғри жавобни белгилаши лозим.

7. Тест синовларини топшириш вақтида номзоднинг хонадан чиқиши тақиқланади, номзоднинг соғлиғи ёмонлашган ҳолатлар бундан мустасно.

8. Тест синовларини ўтказиш вақтида тест синовлари ўтказилаётган хонада номзодлар ҳамда Доимий комиссия аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

9. Тест синовларини белгиланган муддатдан олдин бажарган ёки тест синовларини бажариш учун ажратилган вақт тугагач номзод тест синовлари ўтказилаётган хонадан чиқариб юборилади.

Жавоблар тўғри белгиланиши учун номзод шахсан жавобгардир. Жавобларни нотўғри белгиланган номзодларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

10. Номзодга тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.

11. Номзоднинг психологик тест саволларига берган жавоблари 10 кун ичида мазкур методиканинг иловасига мувофиқ Психологик тест натижаларини ҳисоблаш жадвали асосида мутахассис-психолог томонидан ҳисоблаб чиқилади.

Психологик тест синовларини қабул қилиш методикасига
ИЛОВАПсихологик тест натижаларини ҳисоблаш
ЖАДВАЛИ

Тоифаси	1-вазифа	2-вазифа	3-вазифа	4-вазифа	5-вазифа	6-вазифа	
						асабий-руҳий барқарор	асабий-руҳий беқарор
I	36 — 40	26 — 30	60 — 70	22 — 25	39 — 50	1-2	1 — 3
II	30 — 35	19 — 25	47 — 59	17 — 21	25 — 38	6 — 3	22 — 4
III	24 — 29	13 — 18	33 — 46	11 — 16	15 — 24	9 — 7	41 — 23
IV	0 — 23	0 — 12	0 — 32	0 — 10	0 — 14	10 — 25	99 — 42

Изоҳ: 6 та вазифадан биттасини IV тоифа бўйича бажарган номзод «контракт бўйича ҳарбий хизмат талабларига нолайиқ» деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига
контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш
ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Психологик тест синовлари натижалари бўйича
ҚАЙДНОМА

20__ йил «__» _____

Т/р	Номзодларнинг Ф.И.О.	Номзоднинг индивидуал-психологик ўрганиш натижаси
1.		
2.		
3.		
...		

Комиссияси раиси:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Комиссия раиси ўринбосари:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

Комиссия котиби:

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

715 Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун
жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легал-
лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши кура-
шиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғриси-
да*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3061*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромад-
ларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш
тўғрисида»ги ва «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбе-
кистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ри-
вожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жи-
ноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолият-
дан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялашти-
ришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари 1-иловага мувофиқ
тасдиқлансин.

2. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар 2-иловага мувофиқ ўз
кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач
кучга киради.

**Ахборот технологиялари
ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири**

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 июль,
176-мх-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 ав-
густда эълон қилинган.

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

А. МАВЛОНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 5 июль,
28-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош
прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноят-
ларга қарши курашиш департаментининг
2018 йил 5 июлдаги 176-мх, 28-сон қарорига
ИЛОВА

**Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий
фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва
терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш
бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Почта алоқаси тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланади:

бенефициар мулкдор — яқуний натижада мулк ҳуқуқига эгалик қилувчи ёки почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчини ҳақиқатда назорат қилувчи жисмоний шахс, шу жумладан манфаатини кўзлаган ҳолда пул маблағларининг почта ўтказмалари билан боғлиқ операция амалга ошириладиган юридик шахс;

ички назорат — почта алоқаси операторлари, провайдерларининг пул маблағларининг почта ўтказмаларини қабул қилиш ва етказиб беришни (топширишни) амалга оширувчи, фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш, шубҳали операцияларни аниқлаш ҳамда террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатишда иштирок этувчи ёхуд иштирок этишда гумон

қилинаётган шахслар билан боғлиқ бўлган операцияларни аниқлашга доир фаолияти;

жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатлар — жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг расмий баёотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва ҳудудлар;

пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш — пул маблағларини ўтказишни, тасарруф этишни ёки кўчиришни тақиқлаш;

операцияни тўхтатиб туриш — фойдаланувчининг пул маблағларини кўчириш, шунингдек юридик аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқномалари ижросини тўхтатиб туриш;

фойдаланувчини идентификациялаш — фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш мақсадида фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни улар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида аниқлаш;

фойдаланувчининг бенефициар мулкдорини идентификациялаш — конун ҳужжатлари (устав ва (ёки) таъсис шартномаси, низом) билан белгиланган таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали юридик шахс бўлган фойдаланувчининг мулкдори, шу жумладан уни назорат қилувчи шахсни аниқлаш;

террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган, террорчилик фаолиятини амалга ошираётган ёхуд амалга оширишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган жисмоний ёки юридик шахс, шунингдек террорчилик фаолиятида иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс;

оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахс — Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган, оммавий қирғин қуролини тарқатишнинг олдини олишга қаратилган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг резолюциялари ҳамда бошқа халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган жисмоний ёки юридик шахс;

фойдаланувчини лозим даражада текшириш — фойдаланувчининг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, фойдаланувчининг бенефициар мулкдорини идентификациялаш, шунингдек фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай фойдаланувчи ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганишларни ўтказиш;

почта алоқаси ходимлари — фойдаланувчиларга бевосита хизмат

кўрсатувчи ва пул маблағларининг почта ўтказмалари бўйича операцияларни амалга оширувчи почта алоқаси ходимлари;

почта алоқаси объектлари — почта алоқаси операторларининг алоҳида бўлинмалари (почтамтлар, почта алоқаси боғламалари, бўлимлари, пунктлари, шунингдек бошқа бўлинмалар);

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан шубҳали деб топилган, содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағларининг почта ўтказмалари билан операциялар;

масъул ходим — ички назоратни ташкил қилиш ва амалга ошириш учун масъул бўлган шахс;

оффшор ҳудуд — имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва (ёки) молиявий операцияларни амалга оширишда улар ҳақидаги маълумотларни ошкор этмасликни ва тақдим қилмасликни кўзда тутувчи давлатлар ва ҳудудлар;

Рўйхат — терроризмга, оммавий қирғин қуролини тарқатишга қарши курашишни амалга оширувчи давлат органлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа ваколатли органларидан тақдим этилаётган маълумотлар, шунингдек чет давлатларнинг ваколатли органлари ва халқаро ташкилотларидан расмий каналлар орқали тақдим этилаётган маълумотлар асосида махсус ваколатли давлат органи томонидан тузилган террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхати;

шубҳали операция — пул маблағларининг почта ўтказмалари билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назоратни ўтказиш жараёнида почта алоқаси операторлари, провайдерларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчи (бундан буён матнда — фойдаланувчи деб юритилади) — почта алоқаси хизматларининг истеъмолчиси бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

пул маблағларининг почта ўтказмаси (бундан буён матнда — пул ўтказмаси деб юритилади) — почта алоқаси оператори ёки провайдерининг почта алоқаси ва телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда пул маблағларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) бўйича хизмати;

юқори мансабдор шахслар — чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида ёхуд халқаро ташкилотда доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ташкилий-бошқарув функцияларни бажарадиган ва юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишга ваколат берилган шахслар;

таваккалчилик — фойдаланувчилар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;

ички назорат тизими — мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан

белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажаришга қаратилган масъул ходим ва почта алоқаси операторлари, провайдерларининг хатти-ҳаракатлари йиғиндиси;

ички қоидалар — почта алоқаси соҳасида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилаб берувчи ички ҳужжатдир;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти;

операция иштирокчилари — фойдаланувчилар ва уларнинг вакиллари ҳамда фойдаланувчининг операцияда иштирок этувчи ҳамкорлари.

2. Қўйидагилар ички назорат тизимининг мақсади ҳисобланади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш ҳамда оммавий қирғин қуролини тарқатишга қаратилган пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

почта алоқаси операторлари, провайдерларининг жиноий фаолиятга қасддан ёки қасддан бўлмаган ҳолда жалб этилишига йўл қўймаслик;

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, ҳужжатларда қайд қилиш ва камайтириш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш.

3. Қўйидагилар почта алоқаси соҳасидаги ички назорат тизимининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўз таваккалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш, ҳужжатлаштириш ва камайтиришга доир тегишли чораларни кўриш;

фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларини ва идентификациялаш жараёнларини амалга ошириш, шу жумладан фойдаланувчилар ва уларнинг бенефициар мулкдорлари ҳақидаги маълумотларни мунтазам янгилаш ва верификациялаш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш, уларнинг шахсини ўрганиш бўйича имкон қадар чоралар кўриш;

юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари томонидан амалга оширилаётган операцияларни чуқур мониторинг қилиш;

мазкур Қоидалар ва ички қоидаларда белгиланган тартибда шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялар тўғрисидаги ахборотни (ҳужжатларни) махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида тақдим этиш;

Рўйхат билан солиштириш орқали операция иштирокчилари орасида террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларни аниқлаш;

Рўйхатга киритилган шахсларнинг операциясини кечиктирмасдан ва олдиндан хабар қилмасдан тўхтатиб туриш (бундан пул маблағларини ки-

рим қилиш ва уларни ўтказма ҳисобга ўтказиш бўйича операциялари мустасно) ва (ёки) пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек идентификациялаш маълумотларини ва фойдаланувчиларни лозим даражада текширишга доир материалларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар давомида сақланишини таъминлаш;

шубҳали операцияларни амалга ошириш ёки амалга оширишга бўлган уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган фойдаланувчилар билан алоқадор бўлган шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантириш, шунингдек бундай маълумотларни бошқа давлат органлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзаро алмашиб бориш;

сўровлар бўйича мижозлар базасидан Рўйхат билан солиштириш орқали террорчилик фаолиятини ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга алоқадор шахсларни аниқлаш;

чет элдаги почта оператор, провайдерлар билан пул ўтказмаларини алмашиб боришга алоқаларни ўрнатишда уларнинг ички назорат тизимини ўрганиш.

2-боб. Ички назорат тизимини ташкиллаштириш

4. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари томонидан ички назорат тизими уларнинг иш жиҳатлари, фойдаланувчилар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

5. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари ички назорат тизимининг тегишли тузилмасини ташкил этиши керак.

Ички назорат тизимининг тузилмаси почта алоқаси оператори, провайдери раҳбарининг буйруғи билан белгиланади ва аниқланган таваккалчиликлар ҳамда уларнинг баҳоланишини ҳисобга олиб қайта кўриб чиқилиши лозим.

6. Ички назорат тизими оператор, провайдерларнинг тегишли бўлинмалари ёки масъул ходимлари, шунингдек почта алоқаси ходимларидан иборат.

Ички назорат тизимининг тузилмаси почта алоқаси оператори, провайдери раҳбарининг буйруғи билан раҳбарлик лавозимини эгаллаб турган ходимлар орасидан тайинланадиган тегишли раҳбар томонидан бошқарилади.

7. Ўз фаолияти ва шахсий хулқ атворида ишониб топширилган бўлинмани нотўғри бошқарган, шунингдек иқтисодиёт соҳасидаги жинояти учун аввал суд томонидан жиноий жавобгарликка тортилган шахслар ички назорат тизими тузилмасининг раҳбари ёки масъул ходими лавозимига тайинланиши мумкин эмас.

8. Ички назорат тизимининг тузилмаси раҳбари ва масъул ходимларига қўйиладиган малакавий талаблар жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбари томонидан белгиланади.

9. Ички назорат тизими тузилмасининг раҳбари ва масъул ходимлари, почта алоқаси ходимлари:

почта алоқаси соҳасидаги қонун ҳужжатлари ҳамда жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини билиши;

жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартларни билиши;

мунтазам равишда малакасини ошириб бориши шарт.

10. Ички назорат тизими тузилмасининг раҳбари ва масъул ходимлари қўйидаги функцияларни бажаради:

почта алоқаси тармоғидан жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида фойдаланиш хавфининг олдини олиш ва мазкур Қоидалар ҳамда ички қоидалар билан белгиланган мақсадларга эришиш ва юкланган вазифаларни бажариш учун қонун ҳужжатларида, ушбу Қоидаларда ва ички қоидаларда кўзда тутилган чораларни кўради;

жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш таваккалчиликларини аниқлаш, баҳолаш, назорат қилиш, ҳужжатлаштириш, бошқариш ва камайтириш чораларини амалга оширади;

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат тартиб-таомилларини жорий этиш ва амалга оширишни ва фойдаланувчиларни лозим даражада текширишни ташкил этади;

таваккалчиликларни баҳолашни таҳлил қилиш асосида ички назоратни амалга ошириш чора-тадбирлари дастурларини ишлаб чиқади ва почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбарига тасдиқлаш учун киритади (тасдиқлайди);

жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалаларида қонун ҳужжатлари, ушбу Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилиниши назоратини амалга оширади;

почта алоқаси фаолиятида жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички қоидалар талабларига риоя қилинмаганлиги бўйича аниқланган камчилик ва қоидабузарликларни бартараф этиш юзасидан оператор, провайдер раҳбари кўриб чиқиши учун таклифлар тайёрлайди ва киритади;

жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисидаги ахборотни почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбарига тақдим этади;

почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбарига ушбу Қоидалар ва ички назоратни амалга ошириш бўйича дастурларнинг бажарилиши натижалари тўғрисидаги ҳисоботни камида бир йилда бир маротаба тақдим этади;

шубҳали операциялар (пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш ҳолларида — ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағининг суммаси кўрсатилган ҳолда), уларни бажаришга уринишлар ёки фойдаланувчиларнинг хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни махсус ваколатли давлат органига ўз вақтида узатилишини, шунингдек махсус ваколатли давлат органининг қўшимча ахборотни тақдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайди;

мазкур Қоидалар ва ички назоратни амалга ошириш бўйича тадбирлар дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайди;

ички назоратни ташкил қилиш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларини ҳамда мазкур Қоидалар талабларини бузиш ҳолатларининг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция (бундан буён матнда Инспекция деб юритилади) ва махсус ваколатли давлат органининг масъул шахслари билан ўзаро ҳамкорликни амалга оширади;

Рўйхатни почта алоқаси ходимларига етказди.

11. Ички назорат тизими тузилмасининг раҳбари ва масъул ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички назоратни амалга ошириш мақсадида почта алоқаси ходимларидан керакли бошқарувчилик, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, электрон маълумотлар базаларида, локал ҳисоблаш тармоқлари ва автоматлаштирилган компьютер тизимларида сақланадиган файллардан ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбарига хабар қилиниши лозим бўлган операцияга нисбатан келгуси хатти-ҳаракатлар (шу жумладан, фойдаланувчи ёки операция тўғрисидаги қўшимча ёки мавжуд бўлган ахборотни олиш мақсадида операция ўтказилишини тўхтатиб туриш) бўйича таклифлар киритиш.

Ички назорат тизими тузилмасининг раҳбари ва масъул ходимлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

12. Қуйидагилар ички назорат тизими тузилмасининг раҳбари ва масъул ходимларининг мажбуриятлари ҳисобланади:

ўз ваколати доирасида мазкур Қоидалар ва ички қоидалар билан юклатилган мақсадларга эришиш ва вазифаларни бажариш учун зарур чораларни кўриш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терро-

ризмни молиялаштиришга оид ўз таваккалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тегишли чораларни кўриш, бу таваккалчиликларни ҳужжатларда қайд қилиш ва уларни камайтириш чораларини кўриш;

фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш ва идентификациялаш ҳамда Рўйхат билан солиштиришни таъминлаш бўйича чораларни кўриш;

бенефициар мулкдорларни аниқлаш ва идентификациялашни таъминлаш бўйича тегишли чораларни кўриш;

махсус ваколатли давлат органига белгиланган тартибда шубҳали операциялар тўғрисида, шу жумладан улар аниқланган кундан кейинги бир иш кунидан кечиктирмай уларни амалга оширишга уринишлар тўғрисида хабарларни бериб бориш;

олинган ахборотнинг махфийлигига риоя қилиш;

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланишини ва қайтарилишини таъминлаш.

Ички назорат тизими тузилмасининг раҳбарлари ва масъул ходимларига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам юклатилиши мумкин.

13. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари мазкур Қоидалар талабларидан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар акс этган ички қоидаларни ишлаб чиқишлари лозим:

таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш, мониторинг қилиш, бошқариш, камайтириш ва ҳужжатлаштиришга доир чораларни амалга ошириш тартиби;

фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш, шу жумладан фойдаланувчиларни ва уларнинг бенефициар мулкдорларини идентификациялаш, шунингдек фойдаланувчилар операцияларининг мунтазам назоратини амалга ошириш қоидалари;

керакли ахборотни расмийлаштириш ва унинг махфийлигини таъминлаш тартиби;

ички назорат хизмати ходимлари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга оид қонун ҳужжатлари бузилиши фактлари тўғрисида ахборот тақдим этиш тартиби;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитишга қўйиладиган малакавий талаблар;

шубҳали операцияларни аниқлаш тартиби, шунингдек бундай операциялар тўғрисидаги хабарларни тайёрлаш ва махсус ваколатли давлат органига юбориш тартиби;

Рўйхатга киритилган шахсларнинг операцияларини аниқлаш ҳамда кечиктирмасдан тўхтатиб туриш (пул маблағларини қирим қилиш ва уларни ўтказма ҳисобига ўтказиш операцияларидан ташқари) ва (ёки) кўрсатиб ўтилган шахсларни олдиндан огоҳлантирмасдан уларнинг пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш тартиби;

юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган фойдаланувчиларнинг ҳисобини юритиш ва мониторинг қилиш ҳамда бундай фойдаланувчилар операцияларини чуқур мониторинг қилиш тартиби;

махсус ваколатли давлат органига Рўйхатга киритилган шахсларнинг

ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағларидан фойдаланишни тақдим этиш бўйича муурожаатларини юбориш тартиби;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуклардан фойдаланишининг олдини олишга қаратилган чоралар;

пул маблағларини олувчи ва (ёки) жўнатувчи тўғрисида талаб қилинадиган ахборотга эга бўлмаган пул маблағлари аниқланган ҳолда кўриладиган чоралар;

юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш ҳамда улар томонидан ўтказиладиган операцияларнинг чуқур мониторингини амалга ошириш тартиби;

олувчи ва (ёки) жўнатувчи тўғрисида талаб қилинадиган ахборотга эга бўлмаган халқаро пул ўтказмалари аниқланган ҳолда чораларни (бажариш, рад этиш, тўхтатиб туриш ёки бошқалар) амалга ошириш тартиби;

қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа қоидалар.

Ички қоидалар мазкур Қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши ҳамда аниқланган таваккалчиликлар ва уларнинг баҳосидан келиб чиқиб тузилиши лозим. Ички қоидалар, уларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбари томонидан тасдиқланади.

14. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари ҳар йили 15 январгача мазкур Қоидаларга риоя этилиши учун масъул шахслар рўйхатини уларнинг сўровнома маълумотларини илова қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Инспекцияга тақдим этади.

15. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари ҳар чорак якунидан кейинги ойнинг 5-санасигача жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ишлар тўғрисидаги чорак ҳисоботларини Инспекцияга тақдим этади.

16. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари почта алоқасининг масъул ходимлари ва ишчиларининг энг сўнгги янгиликлар тўғрисидаги хабардорлигини ошириш, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш замонавий техникаси, усуллари ва тенденциялари тўғрисидаги ахборот бериш ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга оид қонун ҳужжатлари ва мажбуриятларнинг барча жиҳатларини аниқ тушунтириш мақсадида уларни мунтазам қайта тайёрлашга мажбурдирлар.

3-боб. Фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш

17. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш чораларини кўришлари керак.

Лозим даражада текшириш чоралари барча янги фойдаланувчилар ҳамда

таваккалчилик даражасидан келиб чиқиб бор фойдаланувчиларга нисбатан кўрилади.

18. Лозим даражада текшириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши керак:

фойдаланувчилар билан амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

пул ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) хизматларини кўрсатишда;

ўтказиладиган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига дахлдорлигига нисбатан ҳар қандай шубҳалар мавжуд бўлганда;

фойдаланувчи тўғрисида аввал олинган маълумотларнинг ишончлигига (ҳақиқийлигига) гумонлар мавжуд бўлганда.

19. Фойдаланувчини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар қўйидагиларни ўз ичига олиши шарт:

тегишли ҳужжатлар асосида фойдаланувчининг ва у қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш;

фойдаланувчининг бенефициар мулкдорини идентификациялаш;

фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни уларнинг бундай фойдаланувчи ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш ўтказиш.

20. Фойдаланувчини лозим даражада текшириш бўйича 19-бандда кўрсатилган чораларни кўриш билан бирга, фойдаланувчи ёки бенефициар мулкдор сифатида қатнашаётган юқори мансабдор шахсларга (уларнинг яқин қариндошларига) нисбатан почта алоқаси операторлари, провайдерлари:

юқори мансабдор шахснинг мавқеи тўғрисидаги маълумотларни текшириш ва ўтказиладиган операциядаги пул маблағлари манбаларини аниқлаш бўйича тегишли чораларни кўришлари;

юқори мансабдор шахс билан амалий иш муносабатларини фақатгина почта алоқаси объектларининг раҳбари ёки тегишли ваколатга эга бўлган унинг ўринбосари рухсати билан ўрнатишлари;

амалий иш муносабатларини мониторинг қилиб боришлари лозим.

21. Фойдаланувчини лозим даражада текшириш бўйича кучайтирилган чора-тадбирлар қўйидагилардан иборат:

фойдаланувчи ҳақида очик манбалар ва маълумотлар базаларидан қўшимча тасдиқланган маълумотларни тўплаш ва қайд этиш;

фойдаланувчидан у томонидан амалга ошириладиган операциялар бўйича пул маблағлари манбалари ҳақидаги маълумотларни олиш;

ушбу фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган операциялар устидан доимий мониторинг юритиш.

22. Фойдаланувчининг операцияларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириғи билан бир вақтда ёки кўп маротаба мурожаат қилишида почта алоқаси операторлари, провайдерлари қўйидагиларни бажаришга мажбур:

ушбу Қоидалар ёки бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ операция бўйича фойдаланувчини ёки наф олувчини идентификациялаш;

аввалги ҳисобот даври (ой, йилнинг чораги, ярим йиллик, йил) давомида ушбу фойдаланувчининг илгари ўтказган операцияларини ўрганиш, агар ихтиёрида бундай операциялар тўғрисида маълумотлар бўлса;

операциянинг турини ва унинг фойдаланувчи — юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида белгиланган фаолияти мақсади ва турларига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

операция турини ҳамда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган фойдаланувчи — жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасида кўрсатилган фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

аниқ иқтисодий моҳиятга эга бўлмаган, фойдаланувчининг лозим даражада текшириш материалларига илова қилинадиган фойдаланувчининг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўзда тутилган унинг фаолияти мақсадларига ва турларига мос келмайдиган барча операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижалари ва хулосаларини ёзма қайд қилиш;

фойдаланувчилардан амалий иш муносабатларининг мақсади ва кўзда тутилган тавсифи тўғрисидаги маълумотларни олиш.

23. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари қуйидаги ҳолларда халқаро пул ўтказмалари билан боғлиқ операцияларга алоҳида эътибор қаратишлари ва таҳлил қилишлари керак:

хорижий давлатларнинг операторлари, провайдерлари билан шартномалар тузишда халқаро пул ўтказмалари бўйича шерикнинг ишга оид фаолиятининг хусусияти тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш учун бундай шерик тўғрисида тўлиқ ахборот тўплаши;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатларнинг ҳудудида жойлашган хорижий давлатларнинг операторлари, провайдерлари билан шартномалар тузишда улар билан амалга ошириладиган барча операцияларга алоҳида эътибор қаратиши;

ошқора ахборот асосида почта алоқаси оператори, провайдерининг обрўсини, шу жумладан бу оператор, провайдерга нисбатан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ қоида бузилишлари юзасидан текширувлар ўтказилганлигини аниқлаши;

пул ўтказмаси тўғрисидаги бутун ахборотни сақлаши;

жўнатилаётган пул ўтказмаларига жўнатувчи тўғрисидаги аниқ маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми (агар мавжуд бўлса), шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) серияси ва рақами, операциянинг хос рақами, олувчи тўғрисидаги аниқ маълумотлар (фамилияси, исми отасининг исми (агар мавжуд бўлса) ва унинг паспорт маълумотлари, операциянинг хос рақами илова қилинишини таъминлаши.

Жўнатувчилар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бўлмаган тақдирда операторлар, провайдерлар хорижий давлатларнинг операторлари, провайдерлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ улардан уч иш куни давомида пул маблағларини жўнатувчилар тўғрисида қўшимча ахборот олиш имкониятига эга бўлишлари керак. Бундай имконият бўлмаган ҳолда оператор, провайдер билан шартномани бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш зарур.

24. Фойдаланувчи ва фойдаланувчининг бенефициар мулкдорини идентификациялаш мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иловаларида назарда тутилган ахборот асосида амалга оширилади.

Идентификация натижаси фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда почта алоқаси ходими ёки масъул ходим томонидан алоҳида журналга киритилади.

25. Фойдаланувчи — жисмоний шахсни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Бунда почта алоқаси ходими бундай ҳужжатнинг асл нусхаси билан мустақил равишда танишиб чиқиши керак.

Жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлган ҳолда унинг давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ҳам ўрганилиши керак.

26. Фойдаланувчи — юридик шахсни идентификациялашда зарур ҳолларда давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлар текширилиши керак.

Кўрсатилган ҳужжатларни тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйиш автоматлаштирилган тизими орқали ёки ушбу тизимдан ахборот олишнинг имкони бўлмаган ҳолда бевосита фойдаланувчидан олиш мумкин.

27. Юридик шахсларни лозим даражада текшириш жараёнида фойдаланувчининг бенефициар мулкдорини идентификациялаш бўйича, шу жумладан фойдаланувчининг ҳамда унинг таъсисчиларининг (акциядорларни, иштирокчилари) мулки ва бошқарув тузилмасини ўрганиш орқали асосли ва имкони мавжуд бўлган чораларни кўриши лозим.

28. Фойдаланувчини ва операциянинг бошқа иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи барча ҳужжатлар улар тақдим этилган санада амалда (ҳақиқий) бўлиши шарт.

Фойдаланувчи ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда қонун ҳужжатларига мувофиқ улар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланиб, уларнинг операцияларни бажариш ваколатлари текширилади.

29. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига нисбатан миждозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларининг ўтказилиши талаб қилинмайди.

30. Почта алоқаси ходимлари фойдаланувчи ёки бенефициар мулкдорни лозим даражада текшириш жараёнида уларнинг идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

Фойдаланувчи, бенефициар мулкдор ёки операция иштирокчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахс билан тўлиқ мос келганлиги аниқланган тақдирда, почта алоқаси операторлари, провайдерлари мазкур Қоидаларнинг 8-бобида белгиланган чораларни кўришлари керак.

31. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари қуйидаги ҳолларда фойдаланувчига операцияларни амалга оширишни рад этиши лозим:

фойдаланувчини лозим даражада текшириш чораларини кўллаш имкони бўлмаганда;

идентификациялашни тугатиш имкони бўлмаган ёки лозим даражада текшириш натижалари бўйича у билан ишга оид муносабатларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатувчи маълумотлар олинган ҳолда;

юримдик шахснинг бошқарув органи ёки юримдик шахс номидан ишонч-номасиз фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ўзининг жойлашган жойи (почта манзили) бўйича мавжуд бўлмаганида;

атайин нотўғри бўлган ҳужжатлар тақдим этилганда ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ сўраладиган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Бундай ҳолларда почта алоқаси операторлари, провайдерлари махсус ваколатли давлат органига хабар юборишлари керак.

32. Барча мураккаб, ғайриоддий йирик операциялар, аниқ ёки ошқора иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган бошқа шубҳали операциялар бўйича лозим даражада текшириш натижасида олинган маълумотлар қоғозда қайд қилинади ёки фойдаланувчиларни идентификациялашни амалга оширувчи шахсларга фойдаланувчи тўғрисидаги ахборотни текшириш учун доимий режимда тезкор фойдалана олиш имконини берадиган электрон маълумотлар базасига киритилади.

4-боб. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш

33. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари таваккалчилик даражасини аниқлаши, шунингдек уни пасайтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

Таваккалчилик даражаси миқдорнинг фаолияти ва амалга оширадиган операциялари турларини инобатга олган ҳолда фойдаланувчи тақдим қилган маълумотлар, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар ва миқдорни лозим даражада текшириш натижалари асосида масъул ходим томонидан аниқланади ва баҳоланади.

34. Лозим даражада текшириш жараёнида олинган ахборот асосида, фаолият турини ва пул ўтказмалари билан амалга ошириладиган операцияни ҳисобга олган ҳолда фойдаланувчига жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни бажаришнинг тегишли (юқори ёки қуйи) таваккалчилик даражаси берилади.

35. Юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига олдиндан куйидаги мезонларга тўғри келадиган фойдаланувчилар киритилиши керак:

а) Рўйхатга киритилган шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган шахсларнинг эгаллиги ёки назоратидаги шахслар ёхуд Рўйхатга киритилган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёки уни назорат қилувчи шахслар;

б) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

в) чет эл корхоналарининг ваколатхоналари ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлмаган жисмоний шахслар;

г) оффшор ҳудудларда ҳисобвараққа эга бўлган резидент ва норезидентлар;

д) ҳақиқатда жойлашган жойи таъсис ҳужжатларида ёки рўйхатдан ўтказиш гувоҳномасида кўрсатилган маълумотларга мувофиқ бўлмаган ташкилотлар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар;

е) бенефициар мулкдори мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган шахс ҳисобланган ташкилотлар;

ж) мунтазам равишда (уч ой ичида кетма-кет) шубҳали операцияларни амалга оширган фойдаланувчилар;

з) юқори мансабдор шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари;

и) жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлари (жисмоний шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, юридик шахсларнинг номи, жўнатувчининг жойлашган ери (почта манзили) ва операциянинг хос рақами) тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаган пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ бўлган операциялар;

к) ички қоидаларда белгиланадиган бошқа операциялар.

36. Операция юқори даражадаги таваккалчилик тоифасига киритилган тақдирда, почта алоқаси операторлари, провайдерлари ушбу фойдаланувчига нисбатан лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўриши ва доимий мониторинг қилиб бориши шарт.

37. Фойдаланувчи томонидан амалга оширилаётган операцияларнинг хусусияти ўзгаришига қараб, почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчини лозим даражада текшириш натижалари бўйича тўпланган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда таваккалчилик хавфи даражасини қайта кўриб чиқишлари лозим.

38. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари ички қоидаларда белгиланган тартибда юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган барча фойдаланувчиларнинг ҳисобини юритишлари керак. Юқори таваккалчилик даражаси тоифасига киритилган барча фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотлар махсус журналга киритилади.

39. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишининг олдини олишга қара-

тилган чораларни кўришлари керак. Ушбу мақсадда почта алоқаси операторлари, провайдерлари пул маблағларини ўтказиш хизматларини кўрсатиш учун янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланилиши сабабли юзага келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражаларини аниқлашлари ва баҳолашлари керак. Таваккалчиликни бундай баҳолаш янги ёхуд ривожланаётган технологиялардан фойдаланишдан аввал ўтказилиши керак.

5-боб. Шубҳали операциялар мезонлари ва аломатлари

40. Қуйидаги мезон ва аломатлар мавжуд бўлганда операция шубҳали деб топилади:

операцияни амалга ошириш учун тақдим қилинган ҳужжатларнинг ҳақиқийлигига (ишончлигига) гумон туғилиши ва (ёки) операция тўғрисидаги, шу жумладан, операция бажарувчи томонларнинг бири ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган маълумотларга мувофиқ келмаслиги;

операция аниқ иқтисодий моҳиятга эга эмаслиги ва фойдаланувчи фаолиятининг тавсифи ва фаолият турига мувофиқ келмаслиги;

зарур ҳолларда сўраладиган, шу жумладан ишонч билдирилган шахс тўғрисида сўраладиган (агар фойдаланувчи ишонч билдирилган шахс сифатида иш кўраётган бўлса) маълумотлар фойдаланувчи томонидан тақдим этилишининг асосиз рад этилиши;

фойдаланувчига нисбатан мазкур Қоидаларда кўрсатилган чоралар асосли қўлланилаётганда, фойдаланувчи ташаббуси билан дарҳол амалий иш муносабатларининг тўхтатилиши;

фойдаланувчининг бажарилаётган битимга нисбатан махфийлик масалалари юзасидан ортиқча ташвишланиши;

амалга оширишнинг мақсади қонун ҳужжатларида белгиланган назорат жараёнлари бош тортиш деб тахмин қилишга асос бўладиган операцияларнинг кўп маротаба бажарилишини аниқлаши;

агар фойдаланувчи бир ёки 30 календарь куни давомида умумий суммаси энг кам иш ҳақи миқдорининг 1000 баробарига тенг бўлган суммадан ошадиган пул ўтказмаларини жўнатса ёки олса;

агар фойдаланувчи чалкаш ёки ғайриоддий тавсифга эга бўлган пул ўтказмаларини жўнатса ёки олса (бир ёки 30 календарь куни давомида турли манзиллар бўйича умумий суммасидан қатъи назар 10 ва ундан ортиқ пул ўтказмаларини жўнатиш);

агар пул ўтказмасини қандайдир сабабларга кўра адресатга ёки жўнатувчига топширишнинг имконияти бўлмаса;

идентификациялашни яқунлашнинг имкони бўлмаслиги ёки лозим даражада текшириш натижаларига кўра, фойдаланувчи билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ эмаслигини кўрсатиб турадиган маълумотларнинг олиниши;

пул маблағлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига оффшор ҳудудларда доимий яшовчи ёки рўйхатга олинган шахсларнинг фойдасига ўтказилиши;

агар фойдаланувчи ёки операциянинг иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса;

операцияларни амалга оширишда фойдаланилган пул маблағлари жиноий келиб чиқишга эгаллиги тўғрисидаги ҳар қандай шубҳаларнинг мавжудлиги.

6-боб. Шубҳали операцияларни аниқлаш

41. Идентификациялаш жараёнида олинган маълумотлар, шунингдек фойдаланувчига берилган таваккалчилик даражаси операцияни мониторинг қилишга асос бўлиб ҳисобланади.

42. Фойдаланувчиларни идентификациялаш ва улар операцияларининг жорий текшируви лавозим мажбуриятларига мувофиқ почта алоқаси ходими томонидан ўтказилади, у шубҳали операциялар аломатлари мавжуд операцияларни аниқлаган тақдирда бундай операциялар ҳақида бевосита ўз раҳбарига ва/ёки ички назорат хизмати тузилмасининг масъул ходимига зудлик билан хабар бериши лозим.

43. Фойдаланувчи операцияларининг кейинги текшируви масъул ходим томонидан жорий текширув жараёнида аниқланмайдиган шубҳали операцияларни аниқлаш мақсадида, фойдаланувчининг ўтган давр мобайнида бажарган операцияларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

44. Масъул ходим фойдаланувчи ва операция ҳақидаги маълумотларни ўргангани, тегишли ахборотни махсус журналга қайд этади.

45. Асосли шубҳалар мавжуд бўлган тақдирда масъул ходим фойдаланувчи операциясини шубҳали деб ҳисоблаш тўғрисида ёзма қарор қабул қилади.

46. Операциянинг шубҳали деб топилиши ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидаларда белгиланган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек фойдаланувчининг шахси, пул ўтказмасининг мақсадлари ва миқдори билан ҳамда шубҳали операцияларни тўғри аниқлаш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

47. Фойдаланувчи операцияси шубҳали деб тан олингандан сўнг масъул ходим қўйидаги чораларни кўриши керак:

шубҳали операция тўғрисида махсус ваколатли давлат органига хабар берилишини таъминлаш;

фойдаланувчи тўғрисида қўшимча маълумот олиш;

фойдаланувчининг таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиш;

фойдаланувчининг операциялари устидан мониторингни кучайтириш;

конун ҳужжатларига ва фойдаланувчи билан тузилган шартномага мувофиқ у билан муносабатларни тўхтатиш бўйича ички назорат тизими тузилмасининг раҳбарига таклиф киритиш.

48. Шубҳали операция ҳақидаги хабар почта алоқаси оператори, про-

вайдери томонидан шубҳали операция аниқланган кундан бир иш кунидан кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 12 октябрдаги 272-сон қарори билан тасдиқланган Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ махсус ваколатли давлат органига берилади.

49. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари тегишли операциянинг шубҳали эканлигини тасдиқловчи ёки шубҳалилигини олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни дарҳол махсус ваколатли давлат органига хабар қилиши зарур.

7-боб. Террорчилик фаолияти ёки оммавий қирғин қуролларини тарқатишда қатнашаётган ёки қатнашишда гумон қилинаётган шахслар иштирокида амалга ошириладиган операциялар

50. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари операцияларни амалга оширишда улар иштирокчиларининг идентификация маълумотларини Рўйхат билан солиштиришлари шарт.

51. Операциялар кечиктирилмасдан ва олдиндан хабар қилинмасдан тўхтатилиши лозим, агарда:

фойдаланувчи ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келса;

фойдаланувчи Рўйхатга киритилган шахс номидан ёки унинг топширигига биноан фаолият кўрсатаётган бўлса;

операцияни амалга оширишда фойдаланаётган пул маблағлари тўлиқ ёки қисман Рўйхатга киритилган шахсга тегишли бўлса;

фойдаланувчи — юридик шахс Рўйхатга киритилган жисмоний ёки юридик шахснинг мулкида ёки назорат остида бўлса.

52. Рўйхатга киритилган шахснинг операцияси тўхтатиб турилганда ва (ёки) пул маблағлари ишга солинмай тўхтатиб қўйилганда почта алоқаси операторлари, провайдерлари ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағларининг миқдорини кўрсатган ҳолда махсус ваколатли давлат органига шубҳали операция тўғрисида бир иш куни давомида хабар юборишлари лозим.

8-боб. Рўйхатга киритилган шахслар иштирокидаги операциялар аниқланганда амалга ошириладиган чора-тадбирлар

53. Агар фойдаланувчи билан амалий иш муносабатларини ўрнатиш даврида ёки пул ўтказмаларини жўнатиш ва етказиб бериш (топшириш) операциясини амалга оширишда почта алоқаси ходимлари томонидан фойдаланувчи ёки операция қатнашчиларидан бирининг барча идентификация

маълумотлари Рўйхатга киритилган шахснинг маълумотлари билан тўлиқ мос келганлиги аниқланган тақдирда, улар бу ҳақда зудлик билан ва фойдаланувчини хабардор қилмасдан масъул ходимга хабар беришлари керак.

54. Ўз навбатида масъул ходим қуйидаги чора-тадбирларни кўриши лозим:

фойдаланувчи, фойдаланувчининг бенефициар мулкдори ёки операция қатнашчиларидан бирининг шахсини имкон даражасида батафсил идентификациялаш;

қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидалар талабларига мувофиқ ишга солмай тўхтатиб қўйиш лозим бўлган операция бўйича пул маблағлари билан боғлиқ бўлган операцияни аниқлаш;

операция бажарилишини тўхтатиб туриш (пул маблағларини кирим қилиш ва уларни ўтказма ҳисобига киритиш бўйича операциялар бундан мустасно) ва бундай операция бўйича пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйиш тўғрисидаги фармойишни тайёрлаш ва почта алоқасининг ҳудудий ташкилоти, почта объектининг раҳбарига имзо қўйиш учун киритиш;

операция тўхтатиб турилган куннинг ўзида ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағлари суммасини кўрсатган ҳолда шубҳали операция тўғрисидаги хабарни тайёрлаш ва уни махсус ваколатли давлат органига юбориш;

фойдаланувчи ҳақида қўшимча маълумотларни олиш (очиқ маълумотлар базаси орқали олиш мумкин бўлган маълумотлар, шу жумладан фаолият тури, активлари миқдори ва шу кабилар);

фойдаланувчи пул маблағларининг манбасини ёки молиявий ҳолатининг манбасини, шу жумладан фойдаланувчидан ахборот олиш орқали аниқлаш;

операция ҳақидаги ахборотни махсус журналга киритиш.

55. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари фақат мазкур Қоидаларда кўрсатилган чоралар қўлланилганидан сўнг, Рўйхатга киритилган шахсни унинг операцияси тўхтатиб турилганлиги ва (ёки) пул маблағларини ишга солмай тўхтатиб қўйилганлиги ҳақида хабардор қилишга ҳақли.

56. Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин қуролини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахсларнинг пул ўтказмаси бўйича операциялари тўхтатиб турилганда ва пул маблағлари ишга солинмай тўхтатиб қўйилганда, юқорида кўрсатилган пул маблағлари ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағларидан фойдаланишга рухсат берилгунга ва тўхтатиб турилган операция тикланишига қадар «йўқлаб олинадиган» махсус депозит ҳисобварағида сақланади.

57. Фойдаланувчининг пул ўтказмаси операциялари тўхтатилганда фойдаланувчиларнинг пул ўтказмалари рўйхатга олинадиган алоҳида журналда рўйхатга олинishi, шунингдек операция тикланишига қадар махсус жилдга жойлаштирилиши лозим.

Операциялари тўхтатилган фойдаланувчиларнинг пул ўтказмаларини рўйхатга олиш учун алоҳида журналда тўхтатилган операцияни, шунингдек

ушбу операция иштирокчиларини идентификациялаш имконини берувчи ахборот қайд этиб борилади.

58. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари фақат махсус ваколатли давлат органидан қўйидагилар тўғрисида тегишли ахборотни олган ҳолдагина ишга солмай тўхтатиб қўйилган пул маблағларидан фойдаланишга рухсат беради ва тўхтатиб турилган операция ўтказилишини тиклайди:

шахс Рўйхатдан чиқариб ташланган бўлса. Бу ҳолда белгиланган жойга пул маблағларини ўтказиш операцияси янгиланган Рўйхат келиб тушган кундан уч кундан кечиктирмасдан амалга оширилади;

Рўйхатга киритилган шахс билан бир хилдаги идентификация маълумотларига эга бўлган шахсга нисбатан «янглишиш ҳолати». Ушбу ҳолда белгиланган жойга пул маблағларини ўтказиш операцияси хабарнома олинган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

59. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари тўхтатилган операцияни ўтказишни тиклашни ва ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат беришни Террорчилик фаолиятида ёки оммавий қирғин курулини тарқатишда иштирок этаётган ёки иштирок этишда гумон қилинаётган шахслар рўйхатига киритилган шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни ишга солмай тўхтатиб қўйиш, ишга солмай тўхтатиб қўйилган мол-мулкдан фойдаланишга рухсат бериш ва операцияларини тиклаш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 2833, 2016 йил 11 октябрь) белгиланган тартибда амалга оширади.

9-боб. Махсус ваколатли давлат органининг сўровларини бажариш

60. «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ махсус ваколатли давлат органи жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш чораларини амалга ошириш учун зарур бўлган ахборотни ёзма равишда сўрашга ва бепул олишга ҳақлидир, шу жумладан почта алоқаси операторлари, провайдерларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари орқали олишга ҳақлидир.

61. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари махсус ваколатли давлат органининг ёзма сўровлари бўйича қўшимча ахборотни тақдим этадилар.

62. Махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ махсус журналга ёзган ҳолда қўйидагилар расмийлаштирилади:

операция тури ва уни амалга ошириш асослари;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи фойдаланувчини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

топшириғига кўра ва номидан операцияни бажараётган фойдаланувчини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

ушбу шахс номидан операцияни амалга оширувчи фойдаланувчининг вакилини (ишончли вакилини) идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари билан боғлиқ операциялар бўйича олувчи ва унинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

10-боб. Ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш

63. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари пул маблағлари билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек фойдаланувчиларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотлари ҳамда материалларини, шу жумладан иш ёзишмаларини қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида, лекин операция амалга оширилганидан ёки фойдаланувчи билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатда сақлашлари шарт.

64. Ҳужжатларнинг электрон шакллари дастурий усулда архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи ускуналарга ёзиб қўйилиши ҳамда масъул шахс томонидан уларнинг рўйхати билан биргаликда ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши зарур.

Сақлаш муддатлари тугаши билан ҳужжатлар белгиланган тартибда почта алоқаси объектининг архивига топширилади.

65. Пул ўтказмалари ва фойдаланувчиларни лозим даражада текширишга доир ахборот, зарурат туғилган тақдирда, операция тафсилотларини қайта тиклаш ва ахборотдан махсус ваколатли давлат органи фойдаланиши мумкин бўлган тарзда расмийлаштирилиши лозим.

66. Фойдаланувчини лозим даражада текшириш ва идентификациялаш натижасида олинган маълумотлар, почта алоқаси операторлари, провайдерлари фойдаланувчи томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришни амалга ошириш таваккалчилиги юқори деб баҳолаган тақдирда камида бир йилда бир маротаба, бошқа ҳолларда камида уч йилда бир маротаба ва фойдаланувчи маълумотларида ўзгаришлар бўлганда янгиланиб борилиши лозим.

67. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида махсус ваколатли давлат органига хабар берилганлиги тўғрисида маълум қилиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари ички назорат вазифаларини бажариш жараёнида олинган ахборотнинг унинг ходимлари томонидан ошкор қилинмаслигини (ёки шахсий мақсадда ёхуд учинчи шахслар манфаатларида фойдаланмаслигини) таъминлайдилар.

11-боб. Яқуний қоидалар

68. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари ички ва ташқи вазиятларнинг ўзгаришини инобатга олган ҳолда, ички назорат тизимини доимий равишда мониторинг қилади ва самарадорлигини баҳолаб боради, шунингдек самарали ишлашини таъминлаш учун заруратга қараб уни мустаҳкамлайди.

69. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат Инспекция, зарур ҳолларда махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда амалга оширилади.

Мониторинг қилиш давомида Инспекция томонидан аниқланган ички назорат тизимининг камчиликлари ўз вақтида почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбарига маълум қилинади. Бундай ахборотни олгандан сўнг почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбари аниқланган камчиликларнинг ўз вақтида бартараф қилинишини таъминлаши лозим.

70. Мазкур Қоидалар, шунингдек жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича бошқа қонун ҳужжатлари почта алоқасининг барча ходимларига ва масъул ходимларига етказилиши лозим.

71. Почта алоқаси операторлари, провайдерлари, шу жумладан почта алоқаси оператори, провайдерининг раҳбари, ички назорат тизими тузилмасининг раҳбари ва масъул ходимлари ҳамда почта алоқаси ишчилари мазкур Қоидаларни бузганлиги учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

72. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари
учун жиноий фаолиятдан олинган даромад-
ларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларига
1-ИЛОВА

**Жисмоний шахсларни
идентификациялашда зарур бўладиган
МАЪЛУМОТЛАР**

1. Фамилияси, исми ва отасининг исми.
2. Туғилган санаси ва жойи.
3. Фуқаролиги.

4. Доимий яшаш жойи ва (ёки) вақтинчалик яшаш жойи.
5. Паспорт ёки унинг ўрнини босадиган бошқа ҳужжат реквизитлари: ҳужжат серияси ва рақами, ҳужжат берилган сана, ҳужжатни берган орган номи.
6. Телефон рақами (агар мавжуд бўлса).

Почта алоқаси операторлари, провайдерлари
учун жиноий фаолиятдан олинган даромад-
ларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича
ички назорат қоидаларига
2-ИЛОВА

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган МАЪЛУМОТЛАР

1. Юридик шахсларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:

а) тўлик, шунингдек агар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномада кўрсатилган бўлса, қисқартирилган номи;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот (сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи);

в) солиқ тўловчининг идентификация рақами;

г) жойлашган ери (почта манзили);

д) имзо ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахслар ёки юридик шахс номидан иш кўрувчи жисмоний шахснинг идентификацияси тўғрисида маълумотлар;

е) юридик шахс таъсисчилари (йирик акциядорлари, иштирокчилари) ҳақидаги ҳамда фойдаланувчининг устав фондидаги (капиталидаги) уларнинг улушлари тўғрисида маълумотлар;

ж) рўйхатга олинган ва тўланган устав фонди (капитали) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;

з) юридик шахс бошқарув органлари (юридик шахснинг бошқарув органларининг тузилмаси ва шахсий таркиби) тўғрисидаги маълумотлар;

и) телефон рақамлари.

2. Якка тартибдаги тадбиркорларни идентификациялашда зарур бўладиган маълумотлар:

а) почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларининг 1-иловасида кўзда тутилган маълумотлар;

б) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот (сана, рақам, рўйхатга олувчи орган номи);

- в) фаолият амалга ошириладиган жой;
- г) телефон рақамлари.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 5 июлдаги 176-мх, 28-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10-8/4270, 33-09-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2032, 2009 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 45-сон, 490-модда).

2. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2010 йил 3 ноябрдаги 10-8/4227, 31-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2032-1, 2010 йил 1 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 48-сон, 450-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2013 йил 24 июндаги 34-мх, 14-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2032-2, 2013 йил 12 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 28-сон, 371-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2015 йил 14 апрелдаги 107-мх, 12-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2032-З, 2015 йил 20 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 16-сон, 200-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ
КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

717 «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1812-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 515-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 августда эълон қилинган.

тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2008 йил 30 апрелдаги 01-148Қ/Қ, 118, 16/ҚҚ-сон қарори (рўйхат рақами 1812, 2008 йил 19 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 20-21-сон, 189-модда) билан тасдиқланган «Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Таълим сифатини назорат қилиш
давлат инспекцияси бошлиғи**

У. ТАШКЕНБАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 июль,
6-мх-сон

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 июль,
15-2018-сон

**Касб-хунар таълими
маркази директори**

М. ХОЛМУХАМЕДОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 29 июль,
8/ҚҚ-сон

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифа-
тини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий
ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Касб-хунар
таълими марказининг 2018 йил 29 июлдаги
6-мх, 15-2018, 8/кк-сон қарорига
ИЛОВА

**Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари
ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини
назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур низом Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 июлдаги 515-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизимини тартибга солади.».

2. 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими Ўрта махсус, касб-хунар таълими Давлат таълим стандартларининг (бундан буён матнда Давлат таълим стандартлари деб юритилади) таркибий қисми бўлиб ҳисобланади.».

Соғлиқни сақлаш вазири

А. ШАДМАНОВ

2018 йил 29 июль

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 29 июль

*Ўзбекистон Бадий
академияси раиси*

А. НУРИДИНОВ

2018 йил 29 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

718 **Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 мартдаги ПҚ–3606-сон «Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман**:

1. Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 8 август,
47-сон

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил
8 августдаги 47-сон буйруғига
ИЛОВА

Рухий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар РҲҲАТИ

1. (F00 — F09) органик, шу жумладан симптоматик рухий бузилишларда тиббий хизматлар кўрсатиш;
2. (F20 — F29) шизофрения, шизотипик ва васваса бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
3. (F30 — F39) аффектив бузилишларда тиббий хизматлар кўрсатиш;

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 августда эълон қилинган.

4. (F40 — F48) стрессга боғлиқ невротик ва соматоформ бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
5. (F50 — F59) физиологик бузилишлар ва жисмоний омиллар билан боғлиқ бўлган хулқ-атвор синдромларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
6. (F60 — F69) етуклик ёшидаги шахс ва хулқ-атвор бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
7. (F70 — F79) ақл заифлигида тиббий хизматлар кўрсатиш;
8. (F80 — F89) психологик (руҳий) ривожланишнинг бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш;
9. (F90 — F98) одатда болалик ва ўсмирлик ёшида бошланадиган эмоционал ва хулқ-атвор бузилишларида тиббий хизматлар кўрсатиш.

Изоҳ:

1. *Мазкур касалликлар рўйхати ICD-10 халқаро касалликлар (Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш учун мослаштирилган) таснифига биноан шакллантирилди.*

2. *Ихтисослаштирилган малакали психиатрик тиббий ёрдам ўзи ва атрофдагилар учун хавfli бўлмаган руҳий ва хулқ-атвор бузилишлари кузатилган шахсларга уларнинг ёзма розилиги асосида (ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар, шунингдек қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар учун уларнинг қонуний вакиллари томонидан берилган ёзма розилиги асосида) кўрсатилади.*

Мазкур Рўйхат Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон хусусий амалиёт врачлари ассоциацияси билан келишилган.

Савдо-саноат палатаси раиси

А. ИКРАМОВ

2018 йил 8 август

*Ўзбекистон хусусий амалиёт
врачлари ассоциацияси раиси*

А. ВАЙСОВ

2018 йил 8 август

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ЛОЙИҲА БОШҚАРУВИ
МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**719 Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3063*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Ш. САДИКОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 7 август,
230-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви
миллий агентлиги директорининг 2018 йил
7 августдаги 230-сон буйруғига
ИЛОВА

**Баҳоловчи малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ баҳоловчи малака сертификатини бериш тартибини белгилайди.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 29 августда эълон қилинган.

1-боб. Умумий қоида

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

баҳоловчининг малака сертификати — жисмоний шахсга, агарда у баҳоловчи ташкилотнинг штатида турса ёки баҳоловчи ташкилот томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса, мулкни баҳолаш ҳуқуқини берувчи сертификат;

малака имтиҳони — баҳоловчиларга қўйилган талабларга талабгорнинг мос келишини текширишга йўналтирилган, имтиҳон комиссияси томонидан ўтказиладиган имтиҳон;

Марказ — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази;

баҳоловчи бўлиб ишлаш учун қайта тайёрлаш курси (бундан буён матнда қайта тайёрлаш курси деб юритилади) — баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари таклифларини инobatга олган ҳолда ишлаб чиқилиб Марказ томонидан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ўтказиладиган ва олий маълумотли шахслар томонидан баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш учун зарур билим ва кўникмаларни олишга йўналтирилган ўқув курси;

баҳоловчи — Марказ томонидан берилган баҳоловчининг малака сертификатиغا эга бўлган жисмоний шахс;

талабгор — баҳоловчи малака сертификатини олишга талабгор бўлган шахс;

малака оширишдан ўтганлик ҳақида гувоҳнома — баҳоловчи томонидан малака оширишни ўтганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

2-боб. Талабгорларга қўйиладиган талаблар

2. Малака имтиҳонини ўтиш учун талабгор қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) олий иқтисодий, юридик ёки техник маълумотга, баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида сўнгги беш йилда камида бир йил иш стажига эга бўлиш;

ёхуд олий маълумотга, сўнгги беш йилда мол-мулкни баҳолашда баҳоловчи ёки баҳоловчининг ёрдамчиси лавозимида камида икки йил иш стажига эга бўлиши.

Бунда хорижий давлатларда олинган олий маълумот ёки илмий даража белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидаги маълумотга эквивалент деб топилган тақдирда эътиборга олинади;

б) қайта тайёрлаш курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатга эга бўлиш, бунда ўқиш тугаган пайтдан бошлаб ҳужжатлар топширилгунгача ўтган вақт ўн икки ойдан ошмаслиги керак.

3. Мазкур Низомнинг 2-банди «а» кичик банди талабларига риоя қилган ҳолда «Баҳолаш иши: Баҳолаш фаолияти ва риэлторлик (объектлар бўйича) (5A231501)» ёки «Экспертиза ва мулкни бошқариш: Мулкни баҳо-

лаш ва бошқариш (5А340901)» мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлган талабгор қайта тайёрлаш курсини тугатганлиги тўғрисида сертификатни тақдим этмасдан малака имтиҳонидан ўтиш учун ҳужжатларни топшириш ҳуқуқига эга.

4. Баҳоловчининг халқаро сертификатига эга бўлган талабгор қайта тайёрлаш курсларини ўтмасдан малака имтиҳонини топширишга ҳақли.

3-боб. Малака имтиҳонини топшириш тартиби

5. Талабгор малака имтиҳонини топшириш учун қуйидаги ҳужжатларни Марказга тақдим этади:

а) мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисидаги ариза;

б) мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ тўлдирилган сўровнома;

в) паспорт нусхаси (чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун — яшаш учун гувоҳнома);

г) олий маълумот тўғрисидаги дипломнинг ёхуд ваколатли давлат органининг хорижий таълим муассасасида олинган олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг нострификациялаш (эквивалентлигини қайд этиш) тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси;

д) меҳнат дафтарчасининг нусхаси (баҳоловчи ёки баҳоловчи ёрдамчи сифатидаги меҳнат стажини тасдиқловчи «Электрон меҳнат дафтарчаси» тизимидан кўчирма);

е) 3,5 x 4,5 ҳажмдаги 2 дона фотосурат;

ж) қайта тайёрлаш курсларини тугатганлиги тўғрисидаги сертификат нусхаси;

з) баҳоловчининг халқаро сертификатига эга бўлганлар учун баҳоловчининг халқаро сертификати нусхаси;

и) малака имтиҳонидан ўтиш ва малака сертификати берилиши учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Талабгордан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

6. Мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатлар талабгор томонидан Марказга шахсан, почта ёки электрон алоқа воситалари орқали уларни олинганлигини тасдиқловчи хабарнома билан бирга топширилади.

7. Марказ ариза тушган кундан бошлаб уч кунлик муддатда талабгорнинг малака имтиҳонига қўйилиши ёки қўйилмаслиги ҳақида қарор қабул қилади.

8. Талабгор қуйидаги асосларга кўра малака имтиҳонига киритилмайди:

а) талабгор мазкур Низомнинг 2-банди талабларига жавоб бермаганда;

б) мазкур Низомнинг 5-бандида кўрсатилган ҳужжатларни тўлиқ бўлмаган ҳажмда ёки лозим тарзда расмийлаштирмай тақдим этганда;

в) ҳужжатларда ёлғон ёки нотўғри маълумотлар аниқланганда.

Талабгорнинг бошқа асосларга кўра малака имтиҳонига киритилмаслигига йўл қўйилмайди.

9. Талабгорни малака имтиҳонига қўйиш рад этилган тақдирда Марказ томонидан тегишли қарор қабул қилинади ва талабгорга рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда, қабул қилинган қарор ҳақида ёзма хабардор қилинади.

10. Малака имтиҳонига қўйилмаган талабгор малака имтиҳонига қўйилмасликка сабаб бўлган камчиликларни бартараф этгандан кейингина қайта ариза бериши мумкин.

11. Малака имтиҳонига қўйилган талабгорлар уни ўтказиш санаси, вақти ва жойи ҳақида имтиҳон ўтказиладиган кундан камида ўн кун олдин почта ёки электрон алоқа орқали хабардор қилинади.

12. Талабгорни малака имтиҳонига қўйиш юзасидан қарор қабул қилинганда имтиҳонга қўйилган шахслар рўйхати имтиҳон комиссиясига юборилади. Бунда малака имтиҳони гуруҳлар шаклланишига қараб, лекин икки ойда камида бир маротаба ўтказилади.

13. Имтиҳон комиссиясининг сони ва шахсий таркиби, шунингдек иш регламенти Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлиги (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) билан келишилган ҳолда Марказ директори томонидан тасдиқланади. Комиссия таркибига Агентлик ва Марказнинг ходимлари ҳамда баҳоловчи ташкилотларнинг ва баҳоловчиларнинг бирлашмалари вакиллари мажбурий тартибда киритилади.

14. Малака имтиҳонини топширишда талабгорлар паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, меҳнат дафтарчаси, қайта тайёрлаш курсларини тугатганлиги тўғрисидаги сертификатнинг асл нусхаларини тақдим этади.

15. Талабгор паспорти ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни кўрсатганда малака имтиҳонига қўйилади. Паспорт ёки унинг шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, меҳнат дафтарчаси, қайта тайёрлаш курсларини тугатганлиги тўғрисидаги сертификат асл нусхаларига эга бўлмаган ёхуд малака имтиҳонига кечиккан талабгор имтиҳонга қўйилмайди ва имтиҳонга келмаган ҳисобланади ҳамда навбатдаги малака имтиҳонидан ўтадиган талабгорлар рўйхатига киритилади, бу ҳақда у шахсан ёки почта ёки электрон алоқа воситалари орқали уч иш кунидан кечиктирилмаган муддатда хабардор қилинади.

16. Агарда талабгор Марказга ҳужжатларни топширган вақтдан бошлаб икки маротаба малака имтиҳонига келмаса, тақдим этилган ҳужжатлар унга қайтарилади. Бунда малака имтиҳонидан ўтиш учун тўланган сумма қайтариб берилмайди.

17. Талабгор томонидан ҳужжатларни қайта топшириш мазкур Низомнинг 5-бандида белгиланган тартибда амалга оширилади.

18. Малака имтиҳони лойиҳани ҳимоя қилиш ва имтиҳон саволлари бўйича суҳбат ўтказишдан ташкил топади.

Малака имтиҳонининг шаффофлиги ва холислигини таъминлаш мақсадида малака имтиҳонини ўтказиш жараёни узлуксиз равишда видеоёзувга (овозли) туширилади.

19. Лойиҳа талабгор томонидан Марказнинг расмий веб-сайтида чоп

этиладиган «кейс»лардан танлаб олиш асосида ишлаб чиқилган баҳолаш ҳисоботи ҳисобланади.

20. Лойиҳа ҳимояси талабгор томонидан презентация шаклида амалга оширилади. Шунингдек, лойиҳани ҳимоя қилиш давомида талабгорга шахсий ишланмаларидан, қўшимча материалларидан, хусусан, презентация, таркатма материаллар ва бошқалардан фойдаланишга рухсат берилади.

21. Лойиҳани ҳимоя қилиш якунларига кўра малака имтиҳони натижалари бўйича қўйиладиган умумий баллар суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган баллар берилади.

22. Талабгор билан суҳбат имтиҳон комиссияси раиси ёки у томонидан тайинланган имтиҳон комиссияси аъзоларидан бирининг бошчилигидаги имтиҳон комиссияси томонидан ўтказилади.

23. Суҳбат имтиҳон билетларидаги тасдиқланган имтиҳон саволлари рўйхати асосида олиб борилади.

Суҳбат жараёнида имтиҳон комиссияси аъзолари талабгорнинг имтиҳон билетидаги саволларга боғлиқ бўлган қўшимча саволларни ҳам бериши мумкин.

Талабгор қайта тайёрлаш курсини қайси тилда ўтказган бўлса талабгор билан суҳбат шу тилда олиб борилади.

24. Имтиҳон саволларининг рўйхати талабгор томонидан ўтилган қайта тайёрлаш курслари дастурига мувофиқ тузилади.

25. Суҳбат якунларига кўра малака имтиҳони натижалари бўйича қўйиладиган умумий баллар суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган балл берилади.

26. Малака имтиҳони учун баллар малака имтиҳонининг ҳар бир босқичи учун имтиҳон комиссиясининг ҳар бир аъзоси томонидан берилади. Малака имтиҳони учун максимал балл 100 баллни ташкил қилади, бунда 50 балл лойиҳа ҳимояси учун ва 50 балл имтиҳон саволларига жавоб учун берилади.

27. Малака имтиҳони учун якуний балл комиссиянинг барча аъзолари томонидан қўйилган балларнинг умумий йиғиндисини комиссия аъзолари сонига бўлиш орқали ҳисобланади.

28. Талабгорнинг якуний баллари 70 баллдан юқорини ташкил қилган бўлса, у малака имтиҳонини муваффақиятли топширган ҳисобланади.

29. Малака имтиҳонидан ўта олмаган талабгор, малака имтиҳонини топширган санадан камида бир ой ўтгандан кейин имтиҳонни қайта топширишга ҳақли.

30. Малака имтиҳонини қайта топшириш мазкур Низомнинг 18 — 27-бандлари асосида амалга оширилади.

31. Малака имтиҳонидан иккинчи марта ўта олмаган талабгор қайта тайёрлаш курсини ўтгандан сўнг малака имтиҳонини топшириш учун ариза беришга ҳақли.

32. Малака имтиҳони натижалари малака имтиҳони ўтказилган санадан уч кунлик муддат ичида имтиҳон комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади ва Марказ директорининг буйруғи билан тасдиқланади.

33. Лойиҳалар ва имтиҳон комиссиясининг баённомалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказда сақланади.

4-боб. Малака сертификатини расмийлаштириш ва бериш

34. Малака сертификати мутахассиснинг фотосурати ёпиштирилган махсус бланкда мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда расмийлаштирилади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик кучга эга бўлади.

35. Малака сертификатининг бланкалари Марказ буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босма усулида тайёрланади.

36. Малака сертификати Марказ томонидан имтиҳон комиссияси баённомалари олингандан кейин ўн кун муддатда расмийлаштирилади ва баҳоловчига ёки ишончнома асосида унинг вакилига баҳоловчилар реестрига имзо қўйилгач белгиланган тартибда берилади.

37. Илк маротаба малака сертификати олаётган баҳоловчиларга «сертификатланган баҳоловчи» малака тоифаси берилади.

38. Агар талабгор малака сертификатини расмийлаштирилган кундан бошлаб уч ой давомида уни олишга келмаса ёки уни олишдан ёзма равишда ихтиёрий тартибда бош тортса Марказ мазкур сертификатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бунда талабгорларга улар томонидан тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

39. Малака сертификати 5 йиллик муддатга берилади ва унинг амал қилиш муддати беш йиллик муддатга узайтирилиши мумкин, башарти, малака сертификатига эга бўлган баҳоловчи малака сертификатини олган йилдан кейинги йилдан бошлаб ҳар йили малака ошириш курсларини ўтаса.

5-боб. Апелляцияни кўриб чиқиш тартиби

40. Малака имтиҳони натижалари бўйича малака имтиҳонидан ўтмаган деб тан олинган талабгор малака имтиҳони ўтказилган кундан бошлаб ўттиз календарь куни ичида Марказга апелляция бериш ҳуқуқига эга. Апелляция ёзма равишда тақдим этилади.

41. Апелляция комиссияси Агентлик директорининг буйруғи билан Агентлик ва баҳоловчи ташкилотларнинг ва баҳоловчиларнинг бирлашмалари малака имтиҳони таркибига киритилмаган вакилларидадан иборат камида беш кишилик таркибда тузилади.

Апелляция комиссияси етти кун муддатда киритилган апелляцияни кўриб чиқади ва талабгорга қабул қилинган қарор ҳақида ёзма равишда хабар беради.

42. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

а) имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисида;

б) апелляцияга берган шахс учун такроран малака имтиҳони ўтказиш тўғрисида.

43. Имтиҳон натижаларини ўзгаришсиз қолдириш ва шикоятни қаноатлантиришни рад этиш тўғрисидаги қарор қуйидаги ҳолларда қабул қилинади:

а) апелляция ушбу Низом талабларини бузган ҳолда тақдим этилган бўлса;

б) апелляцияда кўрсатилган важлар ўз тасдиғини топмаса.

44. Малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисидаги қарор малака имтиҳони мазкур Низом талабларига ва имтиҳон комиссиясининг иш регламентига зид равишда ўтказилганлиги аниқланган тақдирда қабул қилинади.

45. Апелляция комиссияси томонидан апелляция берган талабгор учун малака имтиҳонини такроран ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, такрорий малака имтиҳони мазкур Низомда белгиланган тартибда ўтказилади.

46. Талабгор такроран апелляция бериши мумкин эмас.

47. Апелляция комиссиясининг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ судга шикоят қилиниши мумкин.

6-боб. Малака сертификатини амал қилиш муддатини узайтириш, қайта расмийлаштириш ва дубликат бериш тартиби

48. Баҳоловчи мазкур сертификатнинг амал қилиш муддати тугашига қадар уч ой ичида Марказга малака сертификати муддатини узайтириш тўғрисида мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

а) мазкур Низомнинг 2-иловага мувофиқ шаклда тўлдирилган сўровнома;

б) баҳоловчининг малака сертификатининг асл нусхаси;

в) малака ошириш курсларини тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нусхаси;

г) малака имтиҳонидан ўтиш ва малака сертификатининг амал қилиш муддатини узайтириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Баҳоловчи ҳужжатларни топшириш жараёнида ҳар йили малакасини оширганлиги ҳақидаги гувоҳномаларнинг асл нусхасини тақдим этади.

49. Малака сертификати муддатини узайтириш мазкур Низомнинг 48-бандида белгиланган талабларга риоя этилганда ва баҳоловчи малака имтиҳонини муваффақиятли топширган тақдирда амалга оширилади.

Малака сертификатининг амал қилиш муддати мазкур сертификатнинг бланкида кўрсатилган амал қилиш муддати тугаган пайтдан бошлаб узайтирилади.

50. Талабгор малака сертификатини амал қилиш муддатини узайтириш учун малака имтиҳонидан ўта олмаган тақдирда, малака сертификатини қайтадан бериш мазкур Низом асосида амалга оширилади.

51. Малака сертификатининг амал қилиш муддатининг узайтирилиши белгиланган тартибда мазкур сертификатнинг бланкида махсус белгини (ёзув) қайд этиш орқали амалга оширилади.

Малака сертификати бланкида унинг муддатини узайтиришга тааллуқли тўлдирилмаган қаторлар мавжуд бўлмаган тақдирда, баҳоловчига аввалги рўйхатга олиш рақами қўйилган янги малака сертификати берилади. Илгари берилган баҳоловчи малака сертификати бланки Марказ томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

52. Баҳоловчининг фамилияси, исми, шарифи ёки паспорт маълумотлари ўзгарган тақдирда, у ўн кун ичида Марказга малака сертификатини қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт, бунда аризага қайта расмийлаштирилиши лозим бўлган сертификатнинг асл нусхаси билан бирга тегишли ўзгаришларни тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхалари илова қилинади.

Малака сертификатини қайта расмийлаштириш учун баҳоловчидан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

Агар малака сертификатига баҳоловчи тоифаси ўзгариши билан боғлиқ ўзгартириш киритилиши зарурияти бўлса, малака сертификатига ўзгартиришлар Баҳоловчиларга тоифалар бериш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3052, 2018 йил 11 август) асосида киритилади.

53. Малака сертификатининг қайта расмийлаштирилиши баҳоловчи томонидан ариза берилган пайтдан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади, бунда аввалги рақам ва илгари белгиланган амал қилиш муддати кўрсатилган малака сертификатининг янги бланки берилади, илгари берилган малака сертификати бланки Марказ томонидан белгиланган тартибда йўқ қилинади.

54. Йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган малака сертификатининг ўрнига баҳоловчининг аризасига кўра сертификат дубликати берилиши мумкин.

Баҳоловчи малака сертификатининг йўқолганлиги ҳақида матбуотда эълон бериши ва эълон нусхасини Марказга тақдим этиши керак.

55. Малака сертификати дубликатида унинг аввалги қайд этилган рақами ва илгари белгиланган амал қилиш муддати ёзилади, янги бланкнинг юқоридаги бурчагида «Дубликат» ёзуви кўрсатилган бўлиши керак.

Яроқсиз ҳолга келган малака сертификати Марказга қайтарилиши ва белгиланган тартибда тугатилиши лозим.

56. Дубликат беришда баҳоловчидан энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик фоизи миқдорида йиғим ундирилади.

7-боб. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ва уни бекор қилиш тартиби

57. Қуйидагилар малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос ҳисобланади:

а) баҳоловчининг аризаси;

б) баҳолаш фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатлари талабларини мунтазам ёки бир марта қўпол равишда бузиш. Малака сертификатининг амал қилишини бекор қилишга асос бўлиши мумкин бўлган қонун

ҳужжатлари талабларини бир марта қўпол равишда бузишга қўйидагилар киради:

баҳолаш фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда баҳолашни амалга оширишда ҳолисликни таъминламаслик;

баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботни ва эксперт ҳулосасини нотўғри тузиш;

баҳолаш ишларини ўтказишда олинган махфий ахборотни мулкдор ёки баҳолаш буюртмачисининг рухсатсиз ошкор қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

баҳоловчининг назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширувларда ва бошқа тадбирларда ўзи штатида турадиган ёки фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартнома тузган баҳоловчи ташкилотнинг тегишли рухсатномасисиз (буйруғисиз) мутахассис сифатида қатнашиши;

в) молия-ҳўжалик муносабатлари соҳасида муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини назарда тутувчи қонуний кучга кирган суд ҳукми;

г) фуқарони белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқати чекланган деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори.

58. Малака сертификати унинг амал қилиш муддатини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади. Малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор Марказ томонидан баҳоловчиларнинг профессионал бирлашмалари фикрини инобатга олган ҳолда қабул қилинади.

59. Малака сертификати қўйидаги ҳолларда Марказнинг қарорига биноан бекор қилинади:

имтиҳон комиссияси ёки Марказнинг малака сертификатини бериш тўғрисидаги қарорининг ноқонунийлиги суд томонидан эътироф этилганда; сертификат қалбаки ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда олинганда.

60. Малака сертификатини бекор қилиш тўғрисидаги қарор малака сертификати берилган санадан бошлаб амал қилади.

61. Қонун ҳужжатларини бузганлик учун малака сертификатлари бекор қилинган ёки сертификатларининг амал қилиши тўхтатилган баҳоловчилар, сертификатлар бекор қилинган ёхуд амал қилиши тўхтатилган санадан бошлаб уч йил мобайнида малака сертификатини такроран олиш учун имтиҳонга қўйилмайди.

62. Малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

63. Марказнинг малака сертификатини бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарори беш кунлик муддатда баҳоловчи ва ушбу баҳоловчи мулкни баҳолашда номидан иш юритаётган баҳолаш ташкилотига юборилади.

64. Баҳоловчи унинг малака сертификатини бекор қилиш ёки амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорни олган кундан бошлаб 10 кун мобайнида ўз сертификатини Марказга белгиланган тартибда йўқ қилиш учун қайтариши шарт.

65. Марказнинг малака сертификати амал қилишини тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

8-боб. Баҳоловчиларнинг реестри

66. Марказ томонидан баҳоловчиларнинг потенциал мижозларини хабардор қилиш мақсадида баҳоловчиларнинг реестри юритилади ва унда қуйидаги маълумотлар қайд этилади:

малака сертификати олинган сана, уни олган шахснинг фамилияси, исми, шарифи ва имзоси;

паспорт маълумотлари ва турар жойи;

иш жойи;

малака сертификатининг ҳисобга олиш серияси, рақами ва берилган санаси;

малака тоифаси;

малака сертификатининг амал қилиш муддати узайтирилганлиги, амал қилиши тўхтатилганлиги, бекор қилинганлиги, қайта расмийлаштирилганлиги ҳамда дубликат берилганлиги тўғрисида маълумотлар.

67. Баҳоловчиларнинг реестри қоғоз ва электрон шаклда юритилади.

Реестр шакли Марказ томонидан тасдиқланади.

68. Баҳоловчилар реестрига киритилган маълумотлар танишиш учун оммабоп бўлиб Марказнинг расмий веб-сайтида чоп этилади.

9-боб. Яқуний қоидалар

69. Мазкур Низомни бажариш жараёнида келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

70. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

71. Мазкур Низом Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази, «Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти» Жамоат ташкилоти ва Ўзбекистон баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси билан келишилган.

*Корпоратив бошқарув илмий-
таълим маркази директори*

Б. ГАНИХОДЖАЕВ

2018 йил 7 август

*Ўзбекистон баҳоловчилар
жамияти раиси*

Н. МИРЗАРАХИМОВА

2018 йил 7 август

*Баҳоловчи ташкилотлар
ассоциацияси раиси*

А. ИСЛАМОВ

2018 йил 7 август

Баҳоловчи малака сертификатини бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий
агентлиги қошидаги Корпоратив бошқарув
илмий-таълим маркази

Кимдан _____

**Малака имтиҳонини топширишга рухсат бериш тўғрисида
АРИЗА**

Менга баҳоловчи малака сертификатини олиш учун / амал қилиш муддатини узайтириш учун* малака имтиҳонини топширишимга рухсат беришингизни сўрайман.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

1. _____

2. _____

3. _____

4. _____

5. _____

20__ йил «__» _____

Шахсий имзо _____

* Керакли сўзларни тагига чизинг.

Баҳоловчи малака сертификатини
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

СЎРОВНОМА

1. Фамилияси _____

Исми _____

Шарифи _____

2. Туғилган санаси _____

(йили, кун, ойи рақамлар билан ёзилади)

3. Паспорт серияси _____ рақами _____

Берилган санаси _____

Ким томондан берилган _____

4. Маълумоти:

_____ (ўқув юрти номи)

_____ (факультети)

Тамомлаган йили _____ диплом № _____

Диплом бўйича мутахассислиги _____

Илмий даражаси, илмий унвони (агар мавжуд бўлса)

5. Меҳнат дафтарчасидан иш стажи ҳақидаги маълумотлар:

Т/р	Ишга кириш даври	Ишдан кетиш вақти	Иш жойи
1.			
2.			
3.			
4.			
5.			
...			

6. Уй манзили: _____

7. Боғланиш телефони _____ Факс: _____

(коди)

(рақами)

(коди)

8. Сўровнома тўлдирилган сана: 20__ йил «__» _____.

Шахсий имзо _____

НАМУНА

Ўзбекистон Республикаси герби

**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги
Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази**

БАҲОЛОВЧИ МАЛАКА СЕРТИФИКАТИ

Фотосурат
ўрни

Тошкент ш. _____ — рақам

20 __ йил « __ » _____

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Корпоратив бошқарув
илмий-таълим маркази томонидан

_____ (кимга — баҳоловчининг Ф.И.О.)

_____ (паспорт серияси, рақами, қачон ва ким томонидан берилган)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган баҳолош ташкилоти номидан мулкни баҳ олашга рухсат берилади
ва _____ тоифаси берилди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа
бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Корпоратив
бошқарув илмий-таълим маркази директори

М.Ў.

Баҳоловчи малака сертификатининг амал қилиш муддати:

20 __ й. « __ » _____ дан 20 __ й. « __ » _____ гача узайтирилган.

Имзо

_____ М.Ў.

20 __ й. « __ » _____ дан 20 __ й. « __ » _____ гача узайтирилган.

Имзо

_____ М.Ў.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАРГА КЎМАКЛАШИШ ВА
РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

720 «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга киритилган ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 июндаги ПҚ–3764-сон «Баҳолаш хизматлари бозорини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раиснинг биринчи ўринбосари

Н. ШАРИПОВ

Тошкент,
2018 йил 27 август,
02/19-10/33-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2018 йил 27 августдаги
02/19-10/33-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасининг 2008 йил 16 июлдаги 01/19-18/09-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1840, 2008 йил 4 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 31-32-сон, 307-модда).

2. Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2014 йил 5 мартдаги 01/27-26/09-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1840-1, 2014 йил 26 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 13-сон, 147-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 6 июлдаги 01/19-10/13-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1840-2, 2017 йил 24 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 30-сон, 747-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 23 январдаги 01/19-10/07-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1840-3, 2018 йил 12 февраль) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.02.2018 й., 10/18/1840-3/0690-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

721 Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси
Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбу-
рий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш
ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ–5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ–3272-сон «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 31 мартдаги 12/8-сон қарори (рўйхат рақами 3002, 2018 йил 25 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 17-сон, 353-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2018 йил 1 октябрдан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 18 август,
27/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
18 августдаги 27/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий
банкда депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 1-бандда:

иккинчи хатбошидан «миллий ва чет эл валютасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

олтинчи ва еттинчи хатбошилардан «миллий валютадаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Мажбурий резервлар тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валютада жалб қилинган мажбуриятлар бўйича Марказий банкдаги резидент банкларнинг мажбурий резерв ҳисобварағига пул ўтказиш ёки Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағида ўртачалаштирилган миқдорини ушлаб туриш орқали фақат миллий валютада шакллантирилади ва сақланади.»

3. 7 ва 8-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 1-илованинг 42-позициясидаги «Инвестиция дастурларини» деган сўзлар «Ривожланиш давлат дастурларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5. 2-иловадаги жадвалнинг «3» устуни чиқариб ташлансин.

6. 3-иловада:

ўн учинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«(Ж) Устун = (В) Устун х (Д) Устун + (Г) Устун х (Е) Устун»;

ўн тўртинчи ва ўн бешинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

ўн олтинчи ва эллик олтинчи хатбошилар тегишлича ўн тўртинчи ва эллик тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қирқ учинчи хатбошидан «жами ҳамда (3) устунда эса 1 — 27 сатрларнинг (3) устундаги маблағларнинг» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

эллик учинчи ва эллик тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 25 августдан 30 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 29 июлдаги 204-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2495-3.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2018 йил 29 июлдаги 203-сон «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тергов хибсхоналарининг ички тартиб қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2456-3.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизматининг 2018 йил 24 августдаги 58, 50-ққ, 7-сон «Енгил автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш, уни рўйхатга олиш ва рухсатноманинг амал қилишини бекор қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 25 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3059.

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 25 июлдаги 199-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бўлинмаларига контракт бўйича ҳарбий хизматга номзодларни танлаш ва қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3060.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2018 йил 5 июлдаги 176-мх, 28-сон «Почта алоқаси операторлари, провайдерлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молия-

лаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3061.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқарувининг 2018 йил 27 июлдаги 114, 115-В-6-сон «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» маблағлари ҳисобига топширилган ғалла ва шоли учун якуний ҳисоб-китоблар қилишда тўловларни амалга ошириш тартиби, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 657-6.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Касб-ҳунар таълими марказининг 2018 йил 29 июлдаги 6-мх, 15-2018, 8/ққ-сон «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг билим савияси, кўникма ва малакаларини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1812-1.

8. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 8 августдаги 47-сон «Руҳий ҳолат бузилишини ва хулқ-атвор бузилишини ташхис қилиш ва даволаш бўйича хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 28 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3062.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг 2018 йил 7 августдаги 230-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3063.

10. Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 27 августдаги 02/19-10/33-сон «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга киритилган ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 29 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1840-4.

11. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 18 августдаги 27/5-сон «Тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида депозитга ўтказиладиган мажбурий резервлари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3002-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банкининг «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» маблағлари ҳисобига топширилган ғалла ва шоли учун якуний ҳисоб-китоблар қилишда тўловларни амалга ошириш тартиби (рўйхат рақами 657, 1999 йил 1 март), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 657-1, 2000 йил 25 февраль), (рўйхат рақами 657-2, 2002 йил 31 январь), (рўйхат рақами 657-3, 2004 йил 1 ноябрь), (рўйхат рақами 657-4, 2005 йил 8 сентябрь), (рўйхат рақами 657-5, 2009 йил 18 август).

Адлия вазирининг 2018 йил 28 августдаги 429-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг «Баҳоловчи малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1840, 2008 йил 4 август), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 1840-1, 2014 йил 26 март), (рўйхат рақами 1840-2, 2017 йил 24 июль), (рўйхат рақами 1840-3, 2018 йил 12 февраль).

Адлия вазирининг 2018 йил 29 августдаги 433-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

III. Техник ҳужжат деб топилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 17 августдаги 16/НТД-3-сон «Эскалаторларнинг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

Адлия вазирлигининг 2018 йил 30 августдаги 6-21/3-14376/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 17 августдаги 16/НТД-4-сон «Осма арқонли йўловчи йўлларнинг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

Адлия вазирлигининг 2018 йил 30 августдаги 6-21/3-14375/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 17 августдаги 16/НТД-1-сон «Боғлардаги аттракционлардан фойдаланишда хавфсизлик қоидалари ва ишлаб чиқариш санитарияси қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

Адлия вазирлигининг 2018 йил 30 августдаги 6-21/3-14294/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2018 йил 17 августдаги 16/НТД-2-сон «Лифтларнинг тузилиши ва улардан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи

Адлия вазирлигининг 2018 йил 30 августдаги 6-21/3-14293/6-сон хати билан техник ҳужжат деб топилди.

